БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 182

22 ОКТЯБРЬ ЖУМА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Улуғ Октябрь байрамини меҳнат соҳасида янги ғалабалар блан кутиб олайлик (1-нчи бет).

Г. Матвеенко. — Йиллик планни муддатидан илгари бажарамиз (1-нчи бет).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ. **А. Набихўжаев.** — Ташаббускор депутатлар (2-нчи бет).

Л. Шамс. — Чирчиқда қурилиш ишлари суст (2-нчи бет).

Ҳабиб Нў'мон.—Фасллар (2—3-нчи бетлар).

Барча куч ва моддий-техника воситаларини пахта тайёрлаш сур'атини кучайтиришга тўла сафарбар этайлик! У. Мамасолиев — Соатли график асосида ишламоқдалар. **Қ. Аҳмедов.** — Бўка пахта тайёрлаш планини сўзсиз бажариши керак (3-нчи бет).

Чжоу Энь-лай ҳузурида Неру шарафига қабул маросими (4-нчи бет).

ГДР халқ палатасига ва Катта Берлин халқ вакиллигига сайлов натижалари (4-нчи бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг 9-нчи сессияси (4-нчи бет).

Сувайш канали зонасидаги база тўғрисида Англия-Миср битими имзоланди (4-нчи бет).

Саноат корхоналарида ишлабчиқариш маданиятини тинмай оширайлик

Совет кишиларининг ижодий ташаббуси булоқдек қайнамоқда. Мамлакатимиздаги барча саноат корхоналарида, темир йўл транспорти ва қурилиш об'ектларида, кўмир ва нефть ҳавзаларида, колхоз ва совхоз далаларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллик байрами шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенгайиб бормоқда.

Ижодкор совет халқи социалистик мусобақада актив иштирок этиб, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг социалистик саноатни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш ҳақидаги қарорларини амалга оширишда зўр ғайрат, ижодий ташаббус кўрсатмоқда.

Социалистик саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари меҳнат унумини тўхтовсиз ошириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун ишлабчиқариш резервларини ахтариб топмоқдалар, ишнинг услуб ва методларини такомиллаштирмоқдалар, техника ва ишлабчиқариш процессларига янгиликлар киритмоқдалар, ишлабчиқариш маданиятини тобора юксак даражага кўтармоқдалар.

Меҳнат маданиятини юксалтириш ва ишлабчиқаришнинг ташкил этилишини такомиллаштиришда «Западная-Капитальная» ҳамда «Ростовуголь» комбинати 46-нчи шахталари коллективларининг бошлаган ташаббуслари ва бу соҳада эришаётган ғалабалари мамлакатимиздаги барча кўмир ҳавзалари ва саноат корхоналарининг коллективлари учун намуна бўларлидир. Шахтёрларнинг лавадан янги график — цикл методи асосида смена блан кўмир чиқаришлари ишлабчиқариш маданиятини ривожлантиришга катта ёрдам берди. Янги ишлабчиқариш режимига ўтиш ва унга қунт блан пухта тайёрланиш машиналардан, электровоз ва вагонеткалар паркидан унумли фойдаланишга катта имконият яратди. Янги график асосида ишлаш меҳнат унумини оширишга кенг йўл очиб берди. Натижада коллектив ёқилғи чиқариш бешйиллик планини муддатидан илгари бажарди.

Иттифоқимиздаги илғор саноат корхоналари, кўмир ҳавзалари коллективларининг социалистик мусобақада эришаётган ғалабалари, ишлабчиқариш маданиятини юксалтиришдаги бой тажрибалари мамлакатимиздаги барча саноат марказларига кенг ёйилмоқда.

Областимиздаги кўпгина саноат корхоналарининг коллективлари Совет Иттифоқидаги илғор корхоналарнинг бой тажрибаси асосида ишлаб, меҳнат унумини оширишда, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Бундай корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари, партия, касаба союз ташкилотлари корхонада социалистик мусобақани тўғри ташкил қилаётганликлари, коллектив ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, ҳарбир участка, цех ва ҳарбир агрегатда тартиб, озодалик ўрнатишга алоҳида э'тибор берганликлари туфайли давлат планларининг тўла ва ошириб бажарилишига эришмоқдалар.

Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводи кўп йиллар давомида давлат планини бажармай келди. Заводнинг партия, касаба союз ташкилотлари, шунингдек хўжалик раҳбарлари шаҳар партия активи йиғилишларида қилинган танқидлардан, матбуотда берилган сигналлардан тўғри хулоса чиқариб, кечикиб бўлса ҳам, корхонанинг қолоқлик сабабларини пухта ўрганабошладилар. Натижада, корхонада меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлиги, ишлабчиқариш маданияти пиҳоятда паст эканлиги аниқланди. Завод партия ва касаба союз ташкилоти коллективнинг бутун кучини меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, ишлабчиқаришда мавжуд техникадан, резервлардан, иш соатларидан унумли фойдаланишга, бунинг учун завод территориясида, цехларда, иш жойларида ҳарбир станокда тозалик, тартиб ўрнатишга сафарбар қилди. Кўп тиражли «Ворошиловец» газетаси саҳифаларида завод территориясида, цехларда ўйилиб ётган темир-терсаклар, ортиқча асбоб-ускуналар, станоклар ёнида тўпланиб қолган чиқиндилар ишчиларнинг нормал ишлашларига халал бераётганлиги, айрим мастер ва ишчиларнинг асбоб-ускуналарни саранжом қилиб қўйишга, ўз цехида, иш жойида тартиб ўрнатишга аҳамият бермаётганликлари қаттиқ танқид қилинди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида завод ойдан-ойга давлат планларини бажарабошлади. 9 ойлик план муддатидан илгари бажарилди. Завод коллективи сентябрь ойида пландан ташқари 68 машина ишлаб чиқарди.

Броқ «Таштекстильмаш», лак-бўёқ заводи ва «Ўрток» тамаки фабрикаси каби давлат планини бажармай келаётган айрим корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари меҳнатни тўғри ташкил этишга, ишлабчиқариш маданиятини ҳозирги талаблар даражасига кўтаришга етарли э'тибор бермаётирлар. Шунинг натижасида корхона территориясида темир-терсаклар, турли чиқиндилар ўйилиб ётади. Цех, участка ва иш жойларининг тоза бўлишига, асбоб-ускуналарнинг тартибли жойланишига риоя қилинмайди. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумини оширишга салбий та'сир кўрсатмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати саноат корхоналарида ишлабчиқариш маданиятини тинмай ошириб боришга доимо катта аҳамият бериб келмоқдалар. Корхоналарда тозалик ва тартиб ўрнатиш — партия, хўжалик ташкилотларининг сра кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифасидир. Ҳозирги замон корхоналарида озодалик ва тартиб ўрнатмай туриб нормал ишлаш мумкин эмас, ифлослик тартибсизлик, интизомсизликнинг ажралмас йўлдоши ва манбаидир, у завод, фабрика ва темир йўл транспортида тартиб ўрнатилмаганлигини кўрсатучи белгилардан биридир. Ишлабчиқаришда элементар маданият ўрнатмай туриб, саноат ва транспортнинг ривожланишини та'минлаш мумкин эмас.

Ишлабчиқаришда юксак маданият ўрнатиш — иш жойини доимо тоза тутиш, корхона, цех, участкаларнинг бир тартибда ишлашини ва ишлабчиқариш планларини ҳамма кўрсаткичлари бўйича тўла ва ошириб бажаришни та'минлашдан иборатдир.

Партия ва касаба союз ташкилотлари барча ишчиларнинг меҳнат унумини тинмай ошириб боришлари, маҳсулотнинг сифатини тобора яхшилашлари учун меҳнатни ташкил қилиш ва ишлабчиқариш маданиятини янги, янада юқори даражага кўтаришлари лозим. Бунинг учун ўз иш жойида озодалик ва тартиб ўрнатаолган, меҳнатга, асбоб-ускуналарга социалистик муносабат намуналарини кўрсатаолган ва шунинг натижасида юқори кўрсаткичларга эга бўлган илғор ишчиларнинг бой тажрибаларини кенг оммалаштириш керак.

Область саноат корхоналарининг ходимлари мавжуд бой техникадан, резервлардан, иш вақтидан фойдаланиш соҳасидаги камчиликларни қатъиян йўқотиш, ишлабчиқариш процессларини комплекс асосда машиналаштириш ва автоматлаштириш программасини сабот блан амалга ошириш, фан ва техниканинг энг яхши ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва бу таклифлар ўзининг ижобий натижаларини берди, заводга бирнеча ўн минг сўмлик фойда келтирди.

Цех наладчиликларидан Ғуломов, Максименко ва Кучма ўртоқлар киритган таклиф, айниқса, юксак натижалар бермоқда. Улар шу вақтгача ташқи ғилдиракларнинг ички томонини силлиқлаш учун ишлатилиб келинган станокнинг айланма ҳаракатини такомиллаштириб, ички ғилдиракларнинг устки томонини ҳам бир йўла силлиқлаш имкониятини ўйлаб топдилар. Уларнинг бу новаторлик таклифи натижасида меҳнат унуми икки ҳисса ошди.

Цехнинг меҳнатсевар коллективи кўп ойлардан бери социалистик мусобақада олдинда бориб, завод кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда. Бу коллектив сентябрь ойининг ўзида 10.100 дона подшипник ишлаб чиқариб, ойлик планини муддатидан илгари 120 процентга етказиб бажарди ва кўплаб а'ло сифатли маҳсулот тайёрлади. Цехимизнинг бу муваффақиятларга эришишида Маликова, Колояникова, Кузячкина, Каримова, Пигалева каби ўнлаб илғор ишчиларимизнинг хизмати катта. Улар ойлик топшириқларини доимо 160—170 процентдан бажариб келмоқдалар. Биз цехимиздаги барча ишчиларни ана шу илғорлар даражасига кўтариш ва шу асосда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини янада ошириш, унинг сифатини тобора яхшилаб бориш учун курашмоқдамиз.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, эришилган бу ютуқлар блан бирга ҳали ишимизда анча камчиликлар ҳам мавжуд. Корхонадаги рационализаторлик ва ихтиро'чилик бюросининг иши ҳозирги кунинг юксак талаблари даражасига кўтарилмаган. Бюро ишчилар ва инженер-техник ходимларимиз ўртасида новаторлик ҳаракатини кенг авж олдириб юбориш учун оператив фаолият кўрсатмаётир, ихтиро'чилик таклифлари малакали мутахассислар ёрдами блан ўз вақтида ишлабчиқаришга жорий қилинмаётир.

Завод техника совети, айниқса цех технологлари ишлабчиқариш технологияси процессларини а'ло даражада бошқариш ишига ишчиларни кўплаб жалб этмаётирлар.

Барча инженер-техник ходимларимиз шуни яхши тушуниб олишлари керакки, ҳарбир ишчи ўз касбини мукаммал эгаллаб олгандагина, уларнинг малакасини тинимсиз ошириб бориш учун ҳаракат қилингандагина, улар ўртасида янгилик яратиш учун бўлган интилишни қўллаб-қувватлаб, уларга амалий ёрдам бериб турилгандагина ишлабчиқаришни ҳажм ва сифат жиҳатидан узуксиз юксалтирабориш мумкин бўлади. Ишонч блан айтаоламизки, цехимиз коллективи юқорида кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф қилиш учун курашади. Биз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллигини, шунингдек серқуёш республикамизнинг 30 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун, йиллик давлат планини муддатидан илгари — СССР Конституцияси кунигача тўла бажариш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Г. МАТВЕЕНКО,

Тошкентдаги ремонт-подшипник заводи пардозлаш цехининг бошлиғи.

Улуғ Октябрь байрамини меҳнат соҳасида янги ғалабалар блан кутиб олайлик!

Тошкент тўқимачилик-галантерия фабрикасининг илғор ишчиси комсомол а'зоси М. Зиёмуҳамедова шу кунларда смена нормасини 130—135 процентдан бажармоқда. **Суратда: М. Зиёмуҳамедова** иш устида.

В. Лейн фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

10 ойлик план муддатидан илгари бажарилди

Тошкентдаги картон-стелька фабрикасининг коллективи йил бошидан бери давлат ишлабчиқариш планини ортиғи блан бажариб келмоқда. Фабрика ишчилари, инженер-техник ходимлари Октябрь революциясининг 37 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, янги-янги ютуқларга эришмоқда.

Корхона коллективи меҳнат унумини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун хизмат қиладиган барча воситаларни ишга солиб, 10 ойлик давлат топшириғини муддатидан илгари бажарди ва ҳозир ноябрь ойининг учинчи декадаси ҳисобига маҳсулот бермоқда. Ишлаб чиқарилган барча маҳсулотнинг 98,8 проценти а'ло сортга топширилаётир. Фабрикада меҳнат унуми ўтган йилдагига нисбатан 24 процент оширилди.

Кўпдан бери цехлараро мусобақада биринчи ўринда келаётган ўртоқ Маликова бошчилигидаги картон цехининг коллективи сентябрь ойида 10 ойлик программани 105 процент қилиб бажарди. Л. Яковлева ва С. Темиров каби ўнлаб ишчилар смена топширигини 130—150 процентдан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Қ. ҲИКМАТОВ.

Бекобод шаҳар корхоналарида Октябрьолди мусобақаси

Шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари ўртасида октябрьолди социалистик мусобақаси қизғин давом қилмоқда. Минглаб ишчилар, инженер-техник ходимлар улуғ байрам шарафига планлари ташқари кўплаб а'ло сифатли маҳсулот ишлаб бериш учун меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг илғор коллективи бу мусобақада олдинда бормоқда. Улар барча имкониятларни ишга солиб, моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кун сайин оширмоқдалар. Заводнинг мартен цехидаги пўлат эритучилар 9 ойлик давлат топшириғини ортиғи блан бажариб, октябрь ойининг ўтган кунларида давлатга пландан ташқари 200 тоннадан ортиқ пўлат эритмаси бердилар. Ўртоқ В. Ковалев бошлиқ бўлган прокат цехининг тунукасозлари, вольцовщиклари ва машинистлари ҳам баланд руҳ блан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу цехнинг ватанпарвар ишчи ва хизматчилари шу октябрь ойининг ўтган икки декадаси планини 130 процент бажариб, мамлакат халқ хўжалиги учун қўшимча равишда бирнеча юз тонна юпқа тунука ишлаб чиқардилар.

Айниқса, жадал сур'атли пўлат эритмаси бериш ташаббуси кун сайин кучаймоқда. Металлургларнинг октябрь ойининг биринчи ўнкунлигида бу соҳадаги иш сур'атини ўтган ойдагига нисбатан анча оширдилар. Пўлат эритучи Ф. Ярулин ва унинг ёрдамчилари Муратов, Красин ўртоқлар 12 кун ичида жадал сур'атли 11 эритма бердилар. А. Жалилов ва унинг ёрдамчилари Сайдалиев ҳамда Зуфаров ўртоқлар ҳам кўплаб жадал сур'атли эритма бериб, пландан ташқари 90 тоннага яқин пўлат етказиб бердилар. Юпқа тунукалар станининг мастери А. Гришев, бош вальцовщик Кузеров бошчилигидаги смена ишчилари октябрьнинг биринчи ўнкунлигида 1,5 миллиметрли тунука тайёрлаш планини 140 процентга етказиб адо этдилар.

Шунингдек, Хилково цемент заводининг коллективи ҳам Октябрьнинг 37 йиллиги ва республикамизнинг шонли юбилейи шарафига олган қўшимча мажбуриятни муваффақият блан бажараётир. Корхона коллективи турли қурилишлар учун 2 минг тонна клинкер ва 678 тонна цемент маҳсулотн ишлаб берди. Айланучи печь машинасининг смена мастери ўртоқ Бегимқул Каримов ускунадан бир ме'ёрда унумли фойдаланиб меҳнат унумини сентябрь ойига нисбатан 14 процнет оширишга эришди. Новатор-мастер Каримовнинг прогрессив иш методларини бошқа ишчилар ҳам қўлланиб, ишлабчиқаришда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Қ. ТУРДИЕВ,
А. ШАЙХОВ.

Қарши ЙЎЛДОШЕВА,

Ўртачирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг кўпмингкилограмчилар ҳаракатига қўшилган чевар теримчиси. Ў ҳар куни 200 килограммдан ошириб пахта термоқда.

М. Шевелев фотоси.

Канопдан мўл ҳосил олинмоқда

Юқоричирчиқ районидаги «Ўзбекистон 25 йиллиги» колхози ўтган йил канопдан мўл ҳосил етиштириб, давлат планини 111 процент бажарган эди. Колхоз а'золари бу йил ҳам ҳар гектаридан 41 центнердан канап ҳосили етиштириш учун фидокорона меҳнат қилдилар. Ҳозирги кунларда етиштирилган каноп ҳосилини йиғиб олиш ишлари жуда ювқ юқлик блан ўтказилмоқда. Бригада ва звенолар ўртасидаги социалистик мусобақа кенг қизитиб юборилди.

Пўлат Авазов бошлиқ звено а'золари йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб, 15 гектар ернинг ҳар гектаридан 96,2 центнердан каноп ҳосили йиғиб олди. Шунингдек, Ю. Андрей бошлиқ бригада а'золари ҳам 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 70 центнердан каноп ҳосили олишга муваффак бўлдилар.

Йиғиб олинган каноппинг пўстлоғини шилиб олиш ишлари ҳам яхши уюштирилди. Колхоздаги «НП — 9» маркали пўстлоғ шилиш машинасида ишловчилардан ўртоқ Ли-Ин-Вон, Пак-Ким ўртоқлар бир сменада 4 тонна ўрнига 8-9 тоннадан каноп пўстлоғи шилиб олмоқдалар. Шунингдек, Тожибой Шодиев, Мамадали Жўраев, Толиб Назаров, А. Катя ўртоқлар ҳам фидокорона меҳнат қилиб кунлик нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Ўзбекистон ССРнинг шонли 30 йиллик юбилейи шарафига бошланган мусобақага қўшилган «Ўзбекистон 25 йиллиги» колхози 1 октябрьгача давлатга каноп топшириш планини 143,8 процент бажарди.

Колхоз а'золари етиштирилган мўл каноп ҳосилини сра нобул қилмай, тез фурсатда йиғиб олиб, давлатга топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Хозир каноп экиндиларидан бўшаган ерларда шудгорлаш ишлари кучайтириб юборилди.

Ш. УТЕБОЕВ.

Шофер Султон Ҳамидовнинг ташаббуси

ТУЙТЕПА, (ЎзТАГ). Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида уч тонналы автомашинани ҳайдовчи С. Ҳамидов қимматли ташаббус бошлади. У бортли машинадан олиб қўйиб, унинг ўрнига колхоз устахонасида тайёрланган ва ҳажми кузовга қараганда кенгроқ бўлган тахта рамани ўрнатди. Бу тадбир машинага аввалдагига қараганда қарийб бир тоннача пахтани ортиқ ортиш имкониятини берди, пахтани ортиш ва тушириш вақтида сарф бўладиган вақтни қисқартирди.

Ҳозир ҳамма бричкаларга ҳам ана шундай рамалар ўрнатилди. Натижада колхоз ҳозир ҳар куни тайёрлаш пунктига графикда кўзда тутилганидан 15 — 20 тонна ортиқ пахта топшираётир.

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИДАН ЯХШИ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

БЎКА, (ЎзТАГ). Бўка районининг илғор механизаторлари пахтани машинада теришни яхшилаётирлар.

Бўка районидаги 2-нчи МТСнинг механик-ҳайдовчиси ўртоқ Х. Эгамбердиев ернинг узунасига юриш миқдорини камайтирди ва шу блан бир вақтда машинанинг қатор ораларига кириши аста-секин ўзгартирди. У биринчи, учинчи, иккинчи, тўртинчи қаторлардаги пахтани теріб олади ва ҳоказо. Машинанинг ана шундай спиральсимон маршрути агрегатнинг бекор юришини тўла равишда тугатиш, техникадан юксак унум блан фойдаланиш имкониятини беради.

Механизатор ҳозирги вақтда участкадаги ҳосилни иккинчи марта терaётир. У машинанинг иш унумини нормадаги 1,4 тонна ўрнига тўрт тоннагача етказди. Х. Эгамбердиев мавсум нормасини Бўка районида биринчи бўлиб бажарди.

Бўка районидаги 2-нчи МТСнинг механик ҳайдовчиси Х. Бўронов, Э. Эркулов ва бошқа кўпгина механик ҳайдовчилар илғор механизаторнинг иш тажрибасини қўлланиб, ишда юксак унумга эришдилар.

МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

УРСАТЬЕВСКАЯ. (ЎзТАГ). 1-нчи «Боёвут» совхозининг илғор механизаторлари пахта йиғим-теримида янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Механик-ҳайдовчи Бойитназар Тўраев ва Шокир Юсуповлар иш вақтидан ва техникадан унумли фойдаланиб, бир кунда 2,5 ва 3 тоннадан пахта термоқдалар. Улар мавсум бошидан буён 35—40 тоннадан сифатли пахта териб топширдилар.

Механик-ҳайдовчи Магомет Тидешев ҳам яхши натижаларга эришди. У нормани доимо икки ҳисса ошириб бажариб, нуқул яхши сифатли пахта териб топширмоқда.

Ҳозир совхозда ҳосилни териб олишда 78 агрегат ишламоқда. Машиналар блан бутун экиннинг 80 процентини таппкил этадиган майдондаги пахта терилди.

Йиллик планни муддатидан илгари бажарамиз

Заводимиз коллективи партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги тарихий қарорларидан илҳомланиб, трактор ва бошқа хил қишлоқ хўжалик машиналари учун кўплаб запас қисмлар ишлаб чиқариш учун астойдил курашмоқда. Заводда кейинги вақтларда машиналарга зарур бўлган шарикоподшипникларни ўз вақтида ремонт қилиб бериш ишлари кенг йўлга қўйилди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги ва республикамизнинг 30 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб ишлабчиқаришда юксак натижаларга эришмоқдалар. Улар меҳнатни тўғри ташкил қилиш, илғор иш методларидан унумли фойдаланиш натижасида 10 ойлик давлат топшириғини муддатидан олдин бажардилар.

Маҳсулотни кўп ва сифатли ишлабчиқаришда пардозлаш цехининг ишчилари алоҳида ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Цех коллективи 10 ойлик давлат топшириғини товар маҳсулоти бўйича 116, ялпи маҳсулот бўйича 114 процент бажаришга муваффақ бўлдилар.

Ишлабчиқаришда фойдаланилмай ётган ички резервларни тўла ишга солиш, барча мавжуд машина ва ускуналар қувватидан максимал даражада фойдаланиш натижасида маҳсулот ишлабчиқариш кўпайиб, унинг таннархи 7,4 процент камайтирилди. Электр қуввати, металл ва бошқа хомаш'ёларни тежаб ишлатиш, ҳамда меҳнат унумини системали равишда ошириб бориш ҳисобига қишлоқ хўжалиги учун 690 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб берилди, 60 минг сўмлик материал иқтисод қилинди.

Биз бу ютуқларга меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, брак маҳсулот ишлабчиқаришга қарши курашни кучайтириш, фақат а'ло сифатли маҳсулот тайёрлаш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдириш ва илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш орқали эришдик. Цех ишлабчиқаришининг ҳажм ва сифат жиҳатидан юксалиб бориши ишчиларнинг моддий ва маданий аҳволининг тобора яхшиланиб боришига сабаб бўлмоқда. Ҳозир цехимиздаги ҳарбир ишчининг йиллик ўртача иш ҳақи планда кўрсатилган 28.846 сўмдан 30.826 сўмга етди.

Цехда ишчиларнинг ўз малакаларини оширишлари, ишлабчиқариш технологиясини мукаммал эгаллаб, меҳнат унумини юксалтираборишлари учун барча зарур шароитлар яратиб берилган.

Ҳозирги кунда цех ишчилари ва инженер-техник ходимлари ўртасида рационализаторлик ва ихтиро'чилик ҳаракати қизғин тус олган. Ўтган ойлар давомида ишчилар томонидан киритилган 10 дан ортиқ рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилинди ва бу таклифлар ўзининг ижобий натижаларини берди, заводга бирнеча ўн минг сўмлик фойда келтирди.

Цех наладчиликларидан Ғуломов, Максименко ва Кучма ўртоқлар киритган таклиф, айниқса, юксак натижалар бермоқда. Улар шу вақтгача ташқи ғилдиракларнинг ички томонини силлиқлаш учун ишлатилиб келинган станокнинг айланма ҳаракатини такомиллаштириб, ички ғилдиракларнинг устки томонини ҳам бир йўла силлиқлаш имкониятини ўйлаб топдилар. Уларнинг бу новаторлик таклифи натижасида меҳнат унуми икки ҳисса ошди.

Цехнинг меҳнатсевар коллективи кўп ойлардан бери социалистик мусобақада олдинда бориб, завод кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда. Бу коллектив сентябрь ойининг ўзида 10.100 дона подшипник ишлаб чиқариб, ойлик планини муддатидан илгари 120 процентга етказиб бажарди ва кўплаб а'ло сифатли маҳсулот тайёрлади. Цехимизнинг бу муваффақиятларга эришишида Маликова, Колояникова, Кузячкина, Каримова, Пигалева каби ўнлаб илғор ишчиларимизнинг хизмати катта. Улар ойлик топшириқларини доимо 160—170 процентдан бажариб келмоқдалар. Биз цехимиздаги барча ишчиларни ана шу илғорлар даражасига кўтариш ва шу асосда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини янада ошириш, унинг сифатини тобора яхшилаб бориш учун курашмоқдамиз.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, эришилган бу ютуқлар блан бирга ҳали ишимизда анча камчиликлар ҳам мавжуд. Корхонадаги рационализаторлик ва ихтиро'чилик бюросининг иши ҳозирги кунинг юксак талаблари даражасига кўтарилмаган. Бюро ишчилар ва инженер-техник ходимларимиз ўртасида новаторлик ҳаракатини кенг авж олдириб юбориш учун оператив фаолият кўрсатмаётир, ихтиро'чилик таклифлари малакали мутахассислар ёрдами блан ўз вақтида ишлабчиқаришга жорий қилинмаётир.

Завод техника совети, айниқса цех технологлари ишлабчиқариш технологияси процессларини а'ло даражада бошқариш ишига ишчиларни кўплаб жалб этмаётирлар.

Барча инженер-техник ходимларимиз шуни яхши тушуниб олишлари керакки, ҳарбир ишчи ўз касбини мукаммал эгаллаб олгандагина, уларнинг малакасини тинимсиз ошириб бориш учун ҳаракат қилингандагина, улар ўртасида янгилик яратиш учун бўлган интилишни қўллаб-қувватлаб, уларга амалий ёрдам бериб турилгандагина ишлабчиқаришни ҳажм ва сифат жиҳатидан узуксиз юксалтирабориш мумкин бўлади. Ишонч блан айтаоламизки, цехимиз коллективи юқорида кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф қилиш учун курашади. Биз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллигини, шунингдек серқуёш республикамизнинг 30 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун, йиллик давлат планини муддатидан илгари — СССР Конституцияси кунигача тўла бажариш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Г. МАТВЕЕНКО,

Тошкентдаги ремонт-подшипник заводи пардозлаш цехининг бошлиғи.

ТОЖИКИСТОН ССРНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАРДА ҚАТНАШАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ

Тожикистон Совет социалислик республикасининг тузилганига 25 йил тўлишига бағишланган юбилей тантаналарида қатнашиш учун Ўзбекистон ССР делегацияси Тошкентдан Сталинободга жўнаб кетди.

Делегацияга Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси У. Ю. Юсупов бошчилик қилмоқда. Делегация составида республиканинг саноат ва қишлоқ хўжалик илғорлари, фан ва санъат арбоблари — ҳаммаси бўлиб 21 киши бор.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 21 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Сирдар'ё	1,67	72,17	Ховос	1,40	51,91
Мирзачўл	1,44	71,65	Янгийўл	1,55	49,02
Верхне-волинск	1,51	67,56	Бекобод	1,16	47,21
Гулистон	1,27	65,55	Октябрь	1,29	46,78
Орджоникидзе	1,41	61,46	Оҳангарон	1,05	45,31
Юқоричирчиқ	1,29	59,65	Пискент	0,98	44,91
Калинин	1,48	58,77	Қуйичирчиқ	1,37	44,84
Чиноз	1,24	54,88	Ўртасарой	0,93	42,27
Оққўрғон	1,53	53,91	Ўртачирчиқ	0,94	40,49
Бўка	1,64	53,26	Паркент	1,04	34,95

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 21 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
«Малик»	2,08	77,95	Сталин номли 17-совхоз	1,74	46,81
Сталин номли 16-совхоз	2,59	66,29	Иккинчи «Боёвут»	1,82	45,48
Биринчи «Далварзин»	1,48	55,53	«ЎзССР бешйиллиги» совхози	1,37	44,84
Биринчи «Боёвут»	2,13	52,66	Учинчи «Далварзин»	0,93	44,39
Учинчи «Боёвут»	1,41	52,35	Тўртинчи «Боёвут»	0,90	40,05
Иккинчи «Далварзин»	1,94	51,29			

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Ташаббускор депутатлар

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Усмонов қишлоқ совети Ховос районидаги янги қишлоқ совети ҳисобланади. Унинг ташкил этилганига 4 йил бўлди. Шу қисқа вақт ичида унинг қиёфаси жуда ўзгариб, янги-янги бинолар қад кўтарди, тўғри ва кенг кўчалар қурилди. Қишлоқни обод қилишда меҳнаткашлар, шу жумладан депутатлар катта иш қилмоқдалар.

Қишлоқ советининг 25 депутати бор. Уларнинг кўпчилиги илғор пахтакор бригада, звеноларда ишлаб, ташаббускор бўлмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик доимий комиссиясининг раиси агроном Хасан Нуруллаев ўтган йили Сталин номли камқувват колхозга раис қилиб сайланди. У дастлабки кунлардан бошлаб колхоз активига суяниб иш қилди ва колхоз хўжалигини ривожлантиришга катта э'тибор берди. Натижада 1952 йилда 870 гектар ернинг ҳар гектаридан 18 центнердан пахта ҳосили олинди. Ўтган йили эса ҳар гектар пахта майдонидан олинган ҳосил 23 центнерга етди.

Ўртоқ Нуруллаев қишлоқ советининг шу йил баҳорда бўлиб ўтган сессиясида қишлоқ совети бўйича 1000 гектар янги ер очиш ва пахта майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, ҳар гектардан ҳосилни ўтган йилдагидан 4—5 центнер ошириш таклиф қилди. Бу таклиф қабул қилинди—янги ер очиш ва 2830 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан давлатга 25 центнердан пахта етказиб беришга қарор қилинди.

Қишлоқ советидаги барча колхоз а'золари депутатларнинг бевосита иштироки ва бошчилигида сессия қарорини бажаришга жиддий киришдилар. 1000 гектар ўрнига 2000 гектар янги ер ўзлаштирилиб, бу ерларга пахта ва қишлоқ хўжалигининг бошқа экинлари экилди.

Ҳозир қишлоқ советидаги колхозларда пахта йиғим-терими қизғин бораётир. Сталин номли колхознинг қишлоқ совети депутатлари Муқим Юнусов, Санақул Аввалбоев бошлиқ бригадалари шу кунларда пахта тайёрлаш йиллик планининг ярмидан кўпроғини бажариб қўйдилар.

Қишлоқ советининг депутатлари Қумри Омонбоева, Ўрозгул Имматова, Ҳалима Носирова ўртоқлар пахта теришда ҳаммага намуна бўлмоқдалар. Улар бу йил мавсумда давлатга 15 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олиб, 10 тадан шогирд тайёрлаб етказишга аҳд қилдилар. Депутатлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир улар 4500—5000 килограммдан пахта тердилар. М. Эргашева, Р. Абдужабборова, О. Маҳмудова каби теримчилар эса ўз устозлари — депутатлардан ўрнак олиб, кундалик нормаларини 1,5—2 ҳисса ошириб бажармоқдалар.

Қишлоқ хўжалик доимий комиссиясининг а'золари колхозларда хўжалик ишларининг боришини тез-тез текшириб турадилар. Яқинда бўлиб ўтган текширишда Каганович номли, Хрушчев номли колхозларда чорва молларининг қишловига тайёргарлик суст бораётгани аниқланди. Бу масала сессия мажлисида муҳокама қилинди ва камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Ўртоқ Х. Абдуллаев раислик қилаётган Усмонов қишлоқ советида ободончилик ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Колхоз ишлабчиқариши учун зарур бўлган катта қурилиш ишлари амалга оширилди. Қишлоқ советидаги 4 колхозда 3 йил ичида колхозчилар учун кўпгина уй-жойлар, 1 та катта клуб, 3 та қироатхона қурилди. Колхозларда яхши жиҳозланган 40 та шийпон, 7 та газ сушилка, 7 та молхона, 3 та тегирмон, 4 та тўлиқ ва тўлиқсиз ўрта мактаб ва бошқа жамоат бинолари қурилди. Бу қурилишларда депутатларнинг шахсан ўзлари иштирок этиб, унга колхозчилар кучини сафарбар этишга бошчилик қилдилар.

Янги қишлоқ советининг депутатлари республикамизнинг 30 йиллик юбилейи шарафига давлат томонидан берилган ҳамма мажбуриятларни ортиғи блан бажариш учун курашда фидокорона меҳнат қилиб, барча колхозчиларга намуна бўлмоқдалар.

А. НАБИХУЖАЕВ.

Савдо ходимларининг социалистик мусобақаси

Шу йилнинг бошларида Қорасув район матлубот жамиятига қарашли сельполар ўртасида қишлоқ аҳолисига кенг истеъмол молларини ўз вақтида етказиб бериш, уларга маданий савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, товар оборот планини ортиғи блан бажариш юзасидан социалистик мусобақа шартномаси тузилган эди. Райондаги барча магазинлар ҳам конкрет мажбуриятлар олган эдилар.

Мусобақа шартномасининг тузилиши самарали натижалар берди. Қорасув сельпоси (раиси ўртоқ Ғ. Мўминов) яхши кўрсаткичларга эришиб, социалистик мусобақада голиб чиқди. Сельпо ярим йиллик товар обороти планини анча ошириб бажарди — пландаги 5 миллион 700 минг сўмлик ўрнига 6 миллион 196 минг сўмлик товар сотилди.

Райондаги Қўйлиқ сельпоси Қорасув сельпоси блан мусобақадош. Бу сельпо III кварталда ўз мусобақадошига етиб олишга анча ҳаракат қилди. Лекин Қорасув сельпосининг ходимлари бу гал ҳам бўш келмадилар. Улар III кварталда товаробурот планини 104,6 процент бажардилар.

Қорасув сельпосининг магазинлари ўртасида ҳам социалистик мусобақа яхши уюштирилган. Сельпонинг йил бўйи мусобақада голиб чиқаётганининг сабаби ҳам ана шунда. К. Шавалова мудир бўлган 2-нчи ларёк айниқса яхши ишламоқда. Ларёк товар оборотни планини 125—130 процентга етказиб бажариб, 3 ойдан бери сельпонинг кўчма Қизил байроғини ўзида сақлаб келди. Кейинги ойда 4-нчи магазин ходимлари савдо-сотиқ ишларини яхшилашга астойдил киришиб, сентябрь ойида кўчма Қизил байроқни олишга муваффақ бўлдилар. Магазин мудири Зокир Зияев ҳозирги пайтда сабзавот тажриба станциясининг ишчи ва хизматчилари эҳтиёжларини яхши ўрганган ҳолда, уларнинг талабига мос келадиган моллар келтириб савдо хизматини тобора яхшиламоқда.

Сельпонинг Нина Давидова мудирлик қилаётган 3-нчи ва Ғани Каримов мудирлик қилаётган 5-нчи магазинлари ҳам товар обороти планини ошириб бажармоқдалар.

Қорасув сельпосининг барча ходимлари йиллик товар обороти планини 5 декабрьгача бажариш учун курашиб, социалистик мусобақани янада қизитиб юбордилар.

Н. ФАТТОХОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

БЕШЁҒОЧДА ОШХОНА ОЧИЛАРМИКАН?

Бешёғоч майдони пойтахтимизнинг энг гўзал жойларидан бири бўлиб қолди. Атрофда ҳашоматли бинолар қад кўтармоқда. бу бинолларга янги-янги муассасалар кўчиб келмоқдалар. Лекин бу муассаса ходимларининг овқатланиши учун Бешёғоч майдонида умумий овқатланиш жойи йўқ. Бундан 3—4 ой илгари бу ерда ошхона ва бир кафэ бор эди. Ошхона ва кафэ ўрнига катта иморатлар қурилди-ю, янги ошхона ёки кафэ очиш ҳечкимнинг эсига келмади. Ошхона йўқлиги сабабли майдон атрофида жойлашган ташкилот ва муассасаларнинг кўпгина ишчи ва хизматчилари бу ердан узоқ ердаги овқатхоналарга қатнашга мажбур бўлмоқдалар.

Тошкент шаҳар совети Бешёғочда намунали ошхона очиш тўғрисида ғамхўрлик қилиши керак.

И. ОТАҚУЛОВ.

Тошкент пахта тозалаш заводи тола ажратиш цехининг Мирза Рўзиев бошлиқ смена а'золари ҳар сменада 24 тонна ўрнига 35—37 тоннадан пахта ишлаб чиқармоқдалар. **Суратда:** смена мастери **М. Рўзиев** илғор тола ажратучи **Е. Синкова** блан чигитда қанчадан тола қолаётганлигини текширмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Редакция почтасидан

„Хотиржам бўлинг...“

Оққўрғон райони блан Қўйлиқ посёлкаси ўртасида пассажир машинаси қатнови йўлга қўйилди. Бу, меҳнаткашлар учун катта қулайлик туғдирди.

1 Октябрьдан бошлаб областлар ва шаҳарлараро йўлларда қатнайдиган машиналарда юриш нархлари 50 процентга камайтирилди. Бу эса, партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари тўғрисидаги доимий ғамхўрликларининг ёрқин намунасидир.

Яқинда биз, олти киши Оққўрғондан Алимкентгача бориш учун пассажир машинасининг тўхташ жойига келдик. Орадан бироз вақт ўтгач, «ЕФ — 77 — 84» маркали «ЗИС» пассажир машинаси келиб тўхтади. Бирқанча йўловчилар биз блан машинага чиқдилар.

Машина шофери Мезн пассажирлардан пул йиғишга киришиб, биздан 15 сўм олиш ўрнига, 18 сўм пул олди.

— Ўртоқ шофер бизга билет блан 3 сўм пулимизни қайтиб беринг, — дедик.

—Ҳозир менда майда йўқ, — деди шофер қовоғида қор ёғиб ва 2 сўм 50 тийинлик билетдан биттасини йиртиб берди.

«Ҳаслигимиз» шоферга ёқмади шекилли, у машинани биз тушадиган остановкадан бир километр нарига олиб борибғ тўхтатди.

Оққўрғондан биз блан машинага чиқкан ва Сталин номли колхозга кетаётган уч аёлдан шофер 3 сўм 75 тийин ўрнига 9 сўм пул олди ва битта ҳам билет бермади. Шунингдек Тельман номли колхозга кетаётган 4 пассажирдан 8 сўм ўрнига 12 сўм олди. Шунда уларнинг бири шоферга мурожаат қилиб:

— Ҳақини-ку ошиғи блан олдингиз, энди билетни қачон берасиз, — деди.

— Бу маршрутда йўловчиларнинг биз ҳисобидан ўша етишмовчиликларнинг ҳаммасини ҳам бартараф қилиш мумкин, бунинг учун барча шароит мавжуддир. Гап мавжуд имкониятларни қидириб топиш ва улардан рационал фойдаланиш учун қулай шароит яратабилишда. Мана шунга келганда Родзинский ва Ивлев ўртоқларнинг раҳбарлик қобиляятлари сра сезилмаяпти.

Ишнинг ёмон аҳволдалигига асосий сабаблар — ишга яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги, мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланмаслик, меҳнат интизомини бўшаштириб юборилганлиги ва сиёсий-тарбиявий ишларнинг қониқарсиз олиб борилаётганлигидир. Қурилиш участкаларида технология процессларини ва меҳнат интизомини бузиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Қуручилар малакасини ошириш тўғрисида ҳечким қайғармайди. Ишлаётган кўпгина инженер-техник ходимлар махсус билимга эга эмаслар. Бошқарма раҳбарлари мутахассис етишмайди деб, баҳона қиладилар-у, ўзлари эса мутахассис тайёрлашни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Бинокорлар ўртасида социалистик мусобақа қандай йўлга қўйилганлигини билмоқчи бўлсангиз, капитал-қурилиш бошқармаси раҳбарлари қўлингизга озода қилиб ёзилган мусобақа шартномаларини тутқазадилар. Бу шартномаларни барларда айб йўқ экан деб ўйлашингиз мумкин. Ундай эмас. Агар шу раҳбарлар баҳона топишнинг ўрнига астойдил ишлашни севсалар, ўша етишмовчиликларнинг ҳаммасини ҳам бартараф қилиш мумкин эди. Ҳозирги пайтда эса, бу ишларнинг ҳаммасини ҳам ўз муддатида бажариш учун йил бошида бўлиб ўтган шаҳар бинокорлари йиғилишида социалистик мажбурият қабул қилинган эди. Йиғилиш қатнашчилари барча қурилиш об'ектларини белгиланган муддатда пухта ва сифатли қилиб битказиб, фойдаланишга топширишга ва қурилиш ишлари таннархини турли йўллар блан камайтиришга сўз берган эдилар. Бу мажбурият қабул қилинганидан бери 8 ой ўтди. Хўш, таптанали суратда берилган ва'далар қандай бажарилаяпти?

Афсуски, бу мажбурият бажарилмаётир. Ҳатто, ба'зи йирик об'ектларда ҳали иш бошлангани ҳам йўқ. Мана битта мисол. Чирчиқ электрохимия комбинати капитал қурилиш бошқармаси бу йил комбинат ишчилари учун 4 минг квадрат метр уй-жой қуриб бериши керак эди. Аммо, қурилиш участкасига ҳали бир гишт ҳам қўйилганча йўқ. Инфекцион касалхона учун 75 койка сиғадиган янги корпус аллақачон битиши лозим эди, бу иш ҳам ўлда-жўлда бўлиб ётипти. Қурилиш бошқармасининг бошлиғи Родзинский ва партия ташкилотининг секретари Ивлев ўртоқлар турли баҳоналар блан ишни пайсалга солмоқдалар.

— Ахир, шу об'ектларни ўз муддатида битказиш учун барча имкониятларни ишга соламиз, белгиланган муддатда албатта битказиб берамиз деб, сўз берган эдингизку, нега қилинган ишнинг тайнини йўқ? — деб сўрасангиз, улар:

— Тўғри, сўз берган эдик, аммо графикнинг бажарилмаслигига биз айбдор эмасмиз; мутахассис кадрлар етишмаяпти, ускуналар етишмаяпти, қурилиш материаллари етишмаяпти... — деб «етишмаяпти» ларни санаб кетадилар. Уларнинг гапларидан ҳақиқатан ҳам бу раҳбарлар айб йўқ экан деб ўйлашингиз мумкин. Ундай эмас. Агар шу раҳбарлар баҳона топишнинг ўрнига астойдил ишлашни севсалар, ўша етишмовчиликларнинг ҳаммасини ҳам бартараф қилиш мумкин эди. Ҳозирги пайтда эса, бу ишларнинг ҳаммасини ҳам ўз муддатида бажариш учун йил бошида бўлиб ўтган шаҳар бинокорлари йиғилишида социалистик мажбурият қабул қилинган эди. Йиғилиш қатнашчилари барча қурилиш об'ектларини белгиланган муддатда пухта ва сифатли қилиб битказиб, фойдаланишга топширишга ва қурилиш ишлари таннархини турли йўллар блан камайтиришга сўз берган эдилар. Бу мажбурият қабул қилинганидан бери 8 ой ўтди. Хўш, таптанали суратда берилган ва'далар қандай бажарилаяпти?

Афсуски, бу мажбурият бажарилмаётир. Ҳатто, ба'зи йирик об'ектларда ҳали иш бошлангани ҳам йўқ. Мана битта мисол. Чирчиқ электрохимия комбинати капитал қурилиш бошқармаси бу йил комбинат ишчилари учун 4 минг квадрат метр уй-жой қуриб бериши керак эди. Аммо, қурилиш участкасига ҳали бир гишт ҳам қўйилганча йўқ. Инфекцион касалхона учун 75 койка сиғадиган янги корпус аллақачон битиши лозим эди, бу иш ҳам ўлда-жўлда бўлиб ётипти. Қурилиш бошқармасининг бошлиғи Родзинский ва партия ташкилотининг секретари Ивлев ўртоқлар турли баҳоналар блан ишни пайсалга солмоқдалар.

— Ахир, шу об'ектларни ўз муддатида битказиш учун барча имкониятларни ишга соламиз, белгиланган муддатда албатта битказиб берамиз деб, сўз берган эдингизку, нега қилинган ишнинг тайнини йўқ? — деб сўрасангиз, улар:

— Тўғри, сўз берган эдик, аммо графикнинг бажарилмаслигига биз айбдор эмасмиз; мутахассис кадрлар етишмаяпти, ускуналар етишмаяпти, қурилиш материаллари етишмаяпти... — деб «етишмаяпти» ларни санаб кетадилар. Уларнинг гапларидан ҳақиқатан ҳам бу раҳбарлар айб йўқ экан деб ўйлашингиз мумкин. Ундай эмас. Агар шу раҳбарлар баҳона топишнинг ўрнига астойдил ишлашни севсалар, ўша етишмовчиликларнинг ҳаммасини ҳам бартараф қилиш мумкин, бунинг учун барча шароит мавжуддир. Гап мавжуд имкониятларни қидириб топиш ва улардан рационал фойдаланиш учун қулай шароит яратабилишда. Мана шунга келганда Родзинский ва Ивлев ўртоқларнинг раҳбарлик қобиляятлари сра сезилмаяпти.

Ишнинг ёмон аҳволдалигига асосий сабаблар — ишга яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги, мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланмаслик, меҳнат интизомини бўшаштириб юборилганлиги ва сиёсий-тарбиявий ишларнинг қониқарсиз олиб борилаётганлигидир. Қурилиш участкаларида технология процессларини ва меҳнат интизомини бузиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Қуручилар малакасини ошириш тўғрисида ҳечким қайғармайди. Ишлаётган кўпгина инженер-техник ходимлар махсус билимга эга эмаслар. Бошқарма раҳбарлари мутахассис етишмайди деб, баҳона қиладилар-у, ўзлари эса мутахассис тайёрлашни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Бинокорлар ўртасида социалистик мусобақа қандай йўлга қўйилганлигини билмоқчи бўлсангиз, капитал-қурилиш бошқармаси раҳбарлари қўлингизга озода қилиб ёзилган мусобақа шартномаларини тутқазадилар. Бу шартномаларни прорабларнинг ва участка бошлиқларининг ўзлари кабинетда ўтириб тузганлар, улардан ишчиларнинг хабари ҳам йўқ.

Шаҳардаги бошқа кўпгина қурилиш участкаларида ҳам худди шу электрохимия комбинатидагидек аҳволни кўриш мумкин. Ўртоқ Соколов бошчилигидаги қурилиш ташкилоти «Средазхиммаш» заводи ишчилари учун клуб қуриб бериш ҳақидаги шартномани 5 йилдан бери бажармай келади. 1949 йили фундаменти ўрнатилган клубнинг бу йил ҳам битиши гумон. Чунки, бу ҳақда Ўртоқ Соколов ҳам, завод бошқармаси ҳам (директори Платонов, бош инженер Журабчук ўртоқлар) етарли даражада қайғирмаётирлар. Бу қурилиш ташкилоти фаолиятига раҳбарлик қилучи Тошкентдаги 32-нчи қурилиш трести бошлиқлари ҳам контрольликни бўшаштириб юборганлар. Натижада бу ташкилот ходимлари ишда анча камчилик ва хатоликларга йўл қўймоқдалар. Масалан, янги битказилган биноларнинг кўпини санитария-техника жиҳатидан жиҳозлашни насия қилиб, фойдаланишга топширмоқдалар. Айниқса, қуриладиган бинолар таннархини арзонлаштирамиз, деб ишонтирган бошлиқларнинг ўжаликка етарли раҳбарлик қилаолмасликлари туфайли кўпгина об'ектларнинг таннархи белгиланганидан қимматга тушаётганлиги чидаб бўлмас ҳолдир. Капитал-қурилиш бошқармаси бўйича қурилиш ишларининг таннархи пландагидан 5 процент ортиққа тушаётир. Бу ҳодиса кўп меҳнат талаб қилинадиган ишларни механизациялаштиришга э'тибор берилмаслиги, индустриал иш методларининг кенг қўлланилиши ва илғорлар тажрибасини оммалаштиришга жиддий э'тибор берилмаслик орқасида юз бераётир.

Ўртоқ Ригалов бошчилик қилаётган 12-нчи қурилиш-монтаж бошқармаси ҳам ўз мажбуриятини бажармай келаётир. Бу ташкилот раҳбарларининг мас'улиятсизлиги туфайли шу йил июль ойида битиши керак бўлган Бўзсувдаги ўрта мактаб биноси ҳозиргача битказилгани йўқ. Шаҳар колхоз бозори ва озиқ-овқат базаси қурилиши ҳам чўзиб юборилмоқда. Бу участкаларда қурилиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, бригада ва звеноларнинг ўз вақтида наряд блан та'минланмайди.

Шаҳардаги қурилиш ишларининг қониқарсиз аҳволда бораётганига, бу ташкилотлар раҳбарларининг мас'улиятсизлик ва бепарволик блан ишлаётганликларига трест раҳбарлари, Ўзбекистон ССР Граждан ва уй-жой қурилиши министрлиги ходимлари айблидирлар. Чирчиқ шаҳар партия комитети, унинг саноат ва транспорт бўлими ҳамда шаҳар ижроия комитети (раиси В. Ҳайдаров) ҳам кўра-била туриб бундай фаолиятсизликка чек қўйиш юзасидан сезиларли иш қилмаётирлар. Уларнинг иши қоғозбозликдан нарига ўтмаётир.

Ғанимат фурсатлар ўтиб бораётир. Айни вақтда йўл қўйилган камчилик ва хатоликларни бартараф қилиб, барча имкониятларни ишга солиб, астойдил ҳаракат қилинмаса, кейинги пушаймонлар фойда бермайди. Янги уй-жойлар, клублар, боғча ва яслилар қуриб берилишини талаб қилаётган Чирчиқ аҳолисига шаҳар қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг қуруқ ва'далари ва турли баҳоналари эмас, балки давлат томонидан белгиланган планнинг сўзсиз бажарилиши керак.

Л. ШАМИС.

Йиғим-терим даврида пахтакорларга маданий хизмат

Тошкент областининг маданият бошқармаси йиғим-терим даврида пахтакорларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида бирқанча конкрет тадбирларни белгилади.

Шу мақсадда Тошкент давлат консерваторияси студентлари ва ўқитучиларидан иборат иккита концерт бригадаси ташкил қилинди. Бу бригадалар октябрь, ноябрь ойлари мобайнида Оржоникидзе ва Юқоричирчиқ район пахтакорларига 10 дан ортиқ концерт берадилар. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг артистлари ҳам Ўртасарой ва Юқоричирчиқ район пахтакорларига концертлар кўрсатадилар. Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драм театри коллективи областимиз колхозчиларига «Шоҳ сўзана» ва «Юрак сирлари» комедияларини кўрсатади.

Ўзбекистон давлат филармонияси коллективи ҳам пахтакорларга маданий хизмат кўрсатишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекча рақс ва ашулалар ансамбли, халқ чолғу асбоблари оркестри ва филармониянинг бошқа ижодий коллективлари ҳам Қорасув, Ўртасарой, Октябрь, Янгийўл ҳамда областимизнинг бошқа районларида фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорларга 25 тадан ошиқ концерт берадилар. Концертларнинг репертуарлари қизиқарли қилиб тузилган.

Ўзбек давлат эстрадасининг иккита концерт бригадаси Қўйичирчиқ, Ховос, Сирдар'ё, Ўртачирчиқ, Чиноз ва бошқа районларга хизмат кўрсатади. Оққўрғон ва Бўка район колхозчилари, МТС ва совхоз ишчилари Охунбобоев номидаги ёш тамошабинлар театри артистлари ижросида концертлар ва «Ғалаба», «Ўзи бошқаю, сўзи бошқа» спектаклларини кўрадилар.

А. ГАВРИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Ва'да қачон амалга ошади?“

Газетамизнинг шу йил 18 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида хабар босилиб, унда Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Жарариқ кўчасининг кўп йилдан бери тузатилмай келгани, кўчада водопровод ва электр чироғлар йўқлиги ва бошқа камчиликлар кўрсатилган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Октябрь район Совети ижроия комитетнинг раиси ўртоқ Шукуровнинг редакциямизга хабар қилишича, газета материали район ижроия комитетнинг мажлисида муҳокама қилинган ва унда кўрсатилган фактлар тўлиқ тасдиқланган. 12-нчи домком территориясидаги кўчаларни текислаш ва кўприкларни ремонт қилишга киришилган ҳамда 1 ноябрьгача битказиш планлаштирилган.

Район ижроия комитети Жарариқ кўчасига водопровод ўтказишни 1955 йил планига киритишни Тошкент шаҳар ижроия комитетидан сўраган.

Фаслар

(ПОВЕСТЬ *)

Ҳабиб НУ'МОН.

— Қани, Қумри, дуторни ол, Меҳри, ўртага туш.

— Шошма, ўйин бўлса бўлар, ўзинг яхшимисан, холом эсон-омонмилар?

— Отдаклар, қани тур ўрнингдан, аввал ўйнаб бер.

Лолахон ҳамманинг базмни қизғонаётганини сезиб Меҳриойни тортиб ўртага туширди. Ўзи бўлса завқ блан чапак чалабошлади. Чапакка қизлар ҳам, хотинлар ҳам қўшилишгач, Меҳриой ўйинни давом этдиришга мажбур бўлди.

— Бор эканмисиз?

— Хушторинг томдан мўраласин.

— Бечора хушторі тиконга ағнаб ётипти, — деди Лолахон.

Ҳамма хохолаб кулди. Меҳриой ўйинини тўхтатиб Лолахоннинг икки қўлидан тортиб ўртага туширди:

— Саники тиконга ағнамаётган бўлса, ўйнаб бергин.

Лолахон қистатмай ўртага тушаркан бир зум ниманидир ўйлаб қолди.

Қумринисо «Тановор»ни бошлади. Созининг дилни қитиқловчи хуш оҳангига Лолахон жуда мос муқом блан ўйнар эди. Чапакни тўхтатиб жим бўлиб қолишди. Лолахон ўйинга ҳамма қизлардан уста эди. Келишган қомати айниқса ўйнаган вақтда жуда кўркам кўринар, чиройи яна ҳам очилиб кетар эди.

— Барака топ, қизим.

— Ота-онанг ёлгизининг орзу-ҳавасини кўрсин.

Оналарнинг самимий тилакларидан та'сирланган қизлар ўзларининг «жайдари» хушомадларини қилмай ўйинчига жимгина тикилар эдилар. Лолахон узоқ ўйнаб ўлтирди. Ундан кейин Меҳриой ўйнамаганига қўймай ҳамма қизни бирма-бир турғизди. Ҳатто катта хотинларни ҳам ўйнатишди.

Дуторнинг ёқимли овози ва қизлар чапагини эшитиб атрофдан қиз-жувонлар йиғилиши блан тасодифан бошланган узоқ давом этгач, ҳаваскорлар тўгараги нинг раҳбари э'лон қилди:

— Ҳозир талантли ўқучимиз Аҳмад томонидан «Меҳнат» куплети айтилади.

Болалар ўртасидан ўникки яшар юмалоққина бола ўртага чиқди. Унинг эгнида ёқаси кўк сатиндан оқ кўйлак, оқ шим, бошида матрос шапкаси. Аҳмад куплетни бошлади:

Меҳнат шараф-шонимиз
Меҳнат озод, бахтимиз...

Яна чапак устига чапак урилди. Хотинлар орасидан меҳрибон товуш эшитилди:

— Меҳнат деган тилингдан онанг ўргилсин.

Берғи томонда ўтирганларнинг ҳаммаси ўғли Аҳмадга термулиб турган бригада бошлиғи Нурхонопага қаради. Саодатхон бакални қўлига олиб ўрнидан турди:

— Бахтли оналик учун, оналарга бўлган ғамхўрлик учун шу бакални кўтаришни шу ердаги оналардан сўрайман.

Йигирмага яқин она бакал кўтарди.

Шундан сўнг мажлис қизиб кетди. Аҳмедов икки стаканга вино қуйиб бирини Саодатхонга берди, бирини ўз қўлига олди:

— Истаган кишилар қуйиб, ёнларидаги киши блан ичсинлар.

Қизлар бу гал ҳам ичмадилар. Йигитлардан ҳам анчаси ичмади.

Аҳмедов кулди-да, бошқа йўлни топди.

— Ҳаким қуйиб, истаган кишисига узатсин. Аҳмедов қўлидаги бакални Саодатхонга узатди. Лекин, қизларга узатиш учун йигитлардан ҳечким стаканга қўл урмади. Саодатхон Алижонга «узатмайсизми» деб имлади. Алижон стаканга вино тўлдиридию, нимагадир алланечук бўлиб кетди, стаканни ушлаган қўллари енгил титрар эди.

— Мен ўз стаканимни Лолахонга тутаман.

Ҳамма Лолахон блан Алижонга қаради. Пастда қариялар блан бирга ўтирган Шерматота ўзини билмасликка солиб, қўлидаги пиёлани оғзига олиб борган киши бўлиб алахсийди. Хотинлар орасидаги Турсунхола эса, кулиб, дам Алижонга, дам қизига қararди:

— Олақол, қизим.

— Олмаганингизга қўймайман,—Алижон стаканни кўтарганича турар эди. Бошқалар ҳам «ол қизим, олақол, Лолахон» деб ҳисташарди. Лолахон қўлини секин стаканга узатди. Шу вақт алланарса эсига тушди, алла ким кўз ўнгидан ўтди-да, қўлини тортиб:

— Йўқ ичмайман, — деди.

— Ичмасангиз ҳам қўлимдан олинг.

— Олмайман.

Алижоннинг қалбига бир нарса қаттиқ урилгандек бўлди. Вужуди мўмдек бўшашиб жойига ўлтирди. Унинг изза еганини кўрган колхозчилар жим бўлиб қолдилар. Лолахон тескари қараганча Меҳриойнинг елкаси орқали гиламнинг гулларидан кўзини узмас эди. Орқадаги стулда ўлтирган Қосимов Ғуломжоннинг барини тортиб қўйди.

Алижон қандай ўлтирганини билмади. Махсус созанда ва ашулачилардан ташқари колхозчилар ҳам ашула айтиб бердилар. Буларнинг ҳечбири унга татимас эди.

Ой тиккага келганда кеча тамом бўлди. Йигит-қизлар тўда-тўда бўлиб, уйларига жўнадилар. Алижон ҳаммадан кейин туриб бир ўзи кетди.

ХУП

Звено ғўзани иккинчи озиқлантиришга тайёргарлик кўрмоқда. Тол тагидаги салқин ва текис майдончада икки колхозчи маҳаллий ўғитни элаб, азотли ўғитга аралаштирмоқда. Ён картадан узун эгатларга ўғит сепаётган «универсал» бурилдида, депсиниб тўхтади. Машина блан уч-тўрт эгатга бирга бориб, ўғит туширгични кўздан кечиргач Алижон пешонасидаги терни сидирди-да, тайёр ўғитдан челаклаб яшчикларга солиб тўлғазди. Машина юриб кетгач, колхозчиларга ўғитни нормадаги миқдорда аралаштиришга ихтиёт бўлишни та'кидлаб идора томонга кетди.

Май ойининг охири эди. Қуёш далани хила қиздирмоқда. Ғўзаларнинг бўйи бир қаричга етиб, олти-етти барг чиқарган.

Эртаги мевалар бирин-кетин пишиб етилмоқда. Олча қизараётир. Жопаак ўрик сарғайиб, болаларнинг ҳавасини уйғотган. Ўқишдан бўшаб, ёзги каникулга чиққан шўх болалар, ҳеч кимни назарписанд қилмай, дарахт шохларига кесак отадилар, дувуллаб тушган ўриклларни ердан тупроқ аралаш олиб қочадилар. Пилла қурти учун хотинлар ва қоллар далалардан тут барги қирқиб, аравалларда қишлоққа ташимоқдалар.

Алижон шағал тўкилган катта йўлдан чап қўлга бурилиб, ариқ ёнидаги тор йўлга ўтиб олди. Бу йўл идорага кесиб чиқар эди. Ҳозир далада қизғин иш пайти бўлгани учун, колхозчилар уйларига қатнайдиган бу йўлларда ҳечким кўринмас эди.

Алижон байрам арафа кечасидан буён ўзини хомуш сезади. Лолахоннинг нима учун ўзгариб кетаётганини, илгари ҳамавақт кулиб турган кўзлари шубҳа блан боқишини ўйлайди.

У Лолахонни севади: ва: «у ҳам мени севади» деб ўйлаб келар эди. Сўнгги кунларда бунга шубҳа қилабошлади. Лолахоннинг ўзига бўлган муносабатини колхозчи қизларнинг ўзаро гапларидан эшитиб билган. Лолахон гап уриниб келганда: Йигитнинг пешқадамини, меҳнатда илғорини севаман» деганида ўртоқлари: «Алижонакамнимми?» деб сўрашган. Шунда Лолахон «уни эмас-ку, унга ўхшашни» деган эди.

Фақат шуми?

Алижон ҳозир ўзига шу саволни берарди. Тўғри, қизлар йигитлар ҳақида гап кетганда Алижон кетидан Лолахонни ўйлайдилар, йигитлар ҳам қизлар ҳақида ўйлаганларида Лолахон қаршисига Алижонни қўйдилар. Бу бошқаларнинг фикри бўлиб, Лолахоннинг ихтиёри блан ҳисоблашилган эмас, албатта. Алижон ўз севгани ҳақида юқоридаги икки оғиз гапдан бошқа ҳечнарса тополмасди. Гўё бу ҳам унга ҳозир бир ҳаёлдек туйилади.

Ҳаёлдан бошини кўтариб, енгил уф тортди. Кичик ариқдан сакраб ўтиб, тут буталари ёнидан кетаётган эдики, қаршисидан Лолахон чиқиб қолди.

— Салом Алижонака.

— Салом, Лолахон, — Алижон қўлини узатди Лолахоннинг кўзи илгаригидек шўх боқар, унинг чеҳрасида, умид учқунларини чақнатучи кучни кўрди. Кўришар экан бармоқлари титраб кетди. Алижон сра ўйламаган бир пайтга тўғри келган бу учрашувдан тобора ҳаяжонланар, бошашар, энтикарди. Ниҳоят ярим бўғиқ овоз блан сўради:

— Қаёқдан келаётирсиз?

— Складга ўғитга чиққан эдим, — Лолахон Алижоннинг ҳолатидан таажжубландими, ёки бирда-иккида у блан авлоқда сўзалашмагани учун ҳозирги учрашиб ёт туюлдими, атрофга қараб қўйди, — ўзингиз қаёққа?

— Агроном чақиртирган экан.

Алижон Лолахоннинг ўзига бўлган муносабатини билиш учун қулай фурсат қидирар, пайти келган кезларда эса, муҳаббатини изҳор қилишга ботинмас эди. Ҳозир вақтни қўлдан берса Лолахон блан бир умрга сирлашаолмаслигини ўйлаб, ўзини босиқ тутишга ҳаракат қилди.

— Шошилаётганингиз йўқми, Лолахон? — Алижон сўради.

Лолахон унинг сўз оҳангидан сирли бир илтимосни сезди.

— Йўқ, гапингиз бормиди?

— Гапим бўлса...

— Айтинг эшитаман,— Лолахон Алижоннинг юзига дамба-дам тикилабошлади. Унинг нима демоқчи эканини сабрсизлик блан кутар эди. Алижон эса ўй-

*) Бошқа газетамизнинг 7, 10, 12, 19, 24 сентябрь, 5, 8 ва 9 октябрь сонларида босилган.

Барча куч ва моддий-техника воситаларини пахта тайёрлаш сур‘атини кучайтиришга тўла сафарбар этайлик!

☆

Мавсум нормасини ошириб бажардилар

Мирзачўл районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг бир группа теримчилари мавсум нормаларини ошириб бажардилар. Булар орасида Қ. Икромова, У. Алиева, Т. Ёрматова, Ф. Назарова, Н. Жўраева ва бошқа илғор теримчилар бор. Улар, ҳозиргача 5500 — 9000 килограммдан пахта тердилар. Чевар теримчилар ўз муваффақиятларини мустаҳкамлаб, яна 2500 — 3000 килограммдан пахта териш мажбуриятини олдилар.

Колхознинг ўрток И. Юсупов бошлиқ бригада а'золари 70 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Бу бригада а'золари теримда уюшқоқлик блан ишлаб пахта тайёрлаш планини колхозда биринчи бўлиб бажардилар. Бригада а'золари терим сур'атини янада ошириб, ўз мажбуриятларини тез кунда бажаришга қарор қилдилар.

М. БОЙМАТОВ.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА АСОСИДА

Оққўрғон районидаги Будённий номли колхозининг а'золари бу йил 228 гектар ерда мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Улар яна шу пахта ҳосилини ёғ нобут қилмай йиғиб-териб олиш учун фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Йиғим-теримнинг ҳозирги қизғин кунларида бригадалар ўртасида социалистик мусобақа кенг кўламда авж олдирилди. Ўртоқ Б. Норбўтаев бошлиқ бригада а'золари ғайрат блан меҳнат қилиб бу мусобақада олдинда бормоқдалар. Бригада колхозининг кўчма Қизил байроғини мавсум бошидан бери ўз қўлида сақлаб келмоқда.

Звеноларо социалистик мусобақада доим ғолиб чиқаётган ўртоқ Ҳ. Раҳимова бошлиқ звено а'золари йиллик планни бажардилар.

Колхозчилардан 8 киши мавсумда 15 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олган эди. Улар, бу шарафли мажбуриятни адо этиш учун фидокорона меҳнат қилиб, кунига 230 — 250 килограммдан пахта тераётирлар.

Ўртоқ Н. Қурбонова, Э. Элмуродов, Ш. Абдураззоқова каби теримчилар ҳозиргача 6 — 7 тоннадан ошириб пахта тердилар. Бригаданинг кекса а'золаридан 63 ёшли ўртоқ Улуғой Ахмантоева кунига 120 — 130 килограммдан пахта териб, бошқа кексаларга намуна бўлаётир. Бригада а'золари иш унумини кун сайин ошириб бормоқдалар. Улар, Октябрь социалистик революциясининг шонли 37 йиллиги кунигача пахта топшириш йиллик планини ошириб бажариш учун астойдил ҳаракат қилаётирлар.

Ҳ. МУҲАМЕДОВ.

Сабоҳат Ёқубова 8565 килограмм пахта терди

Учинчи «Боёвут» совхозининг илғор теримчилари иш унумини тобора оширмоқдалар. Улар, ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 37 йиллиги кунини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун курашаётирлар.

7-нчи бригада а'зоси ўртоқ С. Ёқубова совхоздаги кўпмингчилар орасида ҳаммадан олдинда бормоқда. У, 15 октябрьгача 8565 килограмм пахта терди.

Шунингдек, Ҳ. Ҳасанова, Б. Обидова каби бирқанча илғор теримчилар ғайрат блан меҳнат қилиб, ўртоқ С. Ёқубовага тенглашиш учун астойдил курашаётирлар. Улар, 15 октябрьгача 6 — 7 тоннадан пахта тердилар. Ҳозир ўртоқ С. Ёқубованинг иш усули пахтакорлар орасида кенг оммалаштирилмоқда.

Н. НАЗИРОВ.

Пискент районидаги Молотов номли колхоз а'золари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги кунига қадар пахта тайёрлаш планини бажариш учун шу кунларда зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Колхозчилар иш вақтининг ҳарбир соатидан тўла ва унумли фойдаланаётирлар. Колхозлари жуда кўп илғор теримчилар тез ва икки қўллаб пахта теріб, кундалик нормаларини 3—4 ҳиссага етказиб адо этмоқдалар. Натижада колхоз ҳар куни йиллик планнинг 2—2,5 процента миқдорида пахта тайёрлаб, район колхозлари ўртасидаги социалистик мусобақада олдинда кетаётир.

Бу йилги мавсумда 7—10 тонна пахта териш мажбуриятини олган М. Ғуломова, М. Нишонбоева ва Р. Розиқов теримчилар ҳар куни хирмонга 200—250 килограммдан пахта топшираётирлар. Колхозда теримчиларнинг меҳнат кунларига янги система асосида ҳақ тўлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Кўп ва юқори сифатли пахта тераётган колхозчилар шунга яраша кўп ҳақ олмоқдалар. **Суратда** (чапдан ўнгга): 7-нчи бригаданинг табельчиси **Р. Мусаев** илғор теримчилар **М. Ғуломова** ва **М. Нишонбоева** ўртоқларнинг пахтасини қабул қилиб олмоқда.

Қ. Розиқов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Соатли график асосида ишлаҳоқдалар

Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли колхознинг а'золари октябрьолди социалистик мусобақасини қизитиб, пахта йиғим-теримида яхши натижаларга эришаётирлар. Колхозчилар 905 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш ва октябрь ойида йиллик пахта тайёрлаш планини ошириб бажаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Колхоз 15 октябрьгача йиллик пахта тайёрлаш планининг 70 процента миқдорида пахта тайёрлади. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти йиғим-теримда меҳнатни тўғри уюштириш блан бирга, теримчиларга маданий-маиший хизматни яхшилаш тўғрисида ҳам тинмай ғамхўрлик қилаётир. Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ш. Жуманов бошчилигида колхоз агитаторлари партия ва ҳукуматнинг пахта териш нормасини ошириб бажарган колхозчиларни рағбатлантириш ва қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисидаги қарорини колхозчиларга тушунтириб чиқдилар. Бу эса теримчиларни кунлик нормани ошириб бажаришга руҳлантирмоқда. Колхозда пахта териш учун 585 киши ажратилган. Буларнинг ҳаммаси нормани ошириб бажармоқда, ҳарбир теримчи ўрта ҳисоб блан 105 килограммдан пахта тераётир.

Ойшахон Хусанова, Б. Ўтамишова, Аҳмад Ҳамидов, Жониқул Эшбекова ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг фахрий ёрлиғи блан мукофотланган Қумри Бўтаева сингари чаққон теримчилар 230—300 килограммга етказиб пахта термоқдалар.

Теримчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли колхозда ҳар куни йиллик планнинг 2—2,5 процента миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Махсус белгиланган киши теримчиларнинг шолчага териб қўйган пахтасини ҳар икки соатда хирмонга келтириб табельчига топширади. Табельчи эса пахтани тортиб, қайси теримчининг қанча терганини айтиб беради, Агар, бирор теримчи олдинги соатларга қарагандa кам пахта терган бўлса, кейинги соатларда бунинг ҳиссасини чиқариш учун курашади. Кечагидан бугун кўпроқ пахта теришга харакат қилади.

— Соатлик график асосида ишлаш,— кишини ғафлатда қолдирмайди. У, мусобақада ўз зиммасига олган мажбуриятни ҳамавақт эсига тушириб, маррага етишга қанча қолганидан ҳар соатда дарак бериб туради.

Колхозда 8 та пахта териш машинаси ишламоқда. Бу машиналарнинг унумли ишлаши учун механизаторларга барча қулай шароит яратиб берилган. Механик-ҳайдовчилар ўртасида ҳам соатлик график асосида ишлаш усули қўлланиб, социалистик мусобақа кундан-кун қизитилмоқда.

Механик-ҳайдовчилардан Омон Мирзаев, Айдар Мустафоев, Топғат Абдалиевлар ҳар куни 2,5—3 тоннадан пахта тераётирлар. Уларнинг мавсум бошидан буён терган пахтаси 50—60 тоннага етди.

Колхознинг Турғун Иэмомов, Олишбой Муҳимов, Файзулла Дўсбеков ўртоқлар бошлиқ бригадалари теримда олдинда бормоқда. Бу бригадалар давлатга кун сайин кўп ва юқори сифатли пахта топширмоқда.

У. МАМАСОЛИЕВ.

☆ ☆ ☆

Бўка пахта тайёрлаш планини сўзсиз бажариши керак

Бўка районининг пахтакорлари бу йил она-Ватанимизга ҳар гектар ердан 27 центнердан пахта ҳосили топшириш мажбуриятини олганлар. Бу юксак мажбуриятни шараф блан адо этиш учун кенг майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Пахта йиғим-теримига пухта тайёрғарлик блан киришган илғор колхозлар теримчилар ва механик-ҳайдовчилар ўртасида меҳнатни тўғри ташкил этиб, фидокорона меҳнат туфайли етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб давлатга топширишда дастлабки муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Бунга «Ленинизм» (раиси Мирзажонов, партия ташкилотининг секретари Қорабоев ўртоқлар), Каганович номли (раиси Умаров, партия ташкилотининг секретари Иноғомжонов ўртоқлар) колхозларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Йиллик пахта тайёрлаш планларининг ярмидан кўпини бажариб қўйган бу колхозларнинг азамат пахтакорлари йиғим-теримда янгидан-янги имкониятларни ишга солишлари ва пахта териш машиналаридан тўғри фойдаланишлари натижасида давлатга кундан-кунга кўп пахта топширмоқдалар ва йиллик пахта тайёрлаш планини 7 ноябрьгача бажариш учун курашмоқдалар.

Афсуски, Бўка районида бундай илғор колхозлар кўп эмас. Пахта тайёрлашда райондаги Жамбул номли, Тимирязев номли, К. Маркс номли, Охунбобоев номли бир қатор колхозлар чидаб бўлмаслик даражада орқада қолмоқдалар. Бу колхозлар йиллик пахта тайёрлаш планларининг ҳали тўртдан бир қисмини ҳам бажарганлари йўқ. Райондаги Мичурин номли, «Сталинград», Молотов номли, Сталин номли колхозлар эса 30 — 35 процентнинг атрофида юрибдилар.

Ғанимат кунлар ўтиб бораётганлигига қарамай, кўпчилик колхозларда пахта териш ва топширишда сезиларли ўзгариш бўлмаётир. Бирқатор колхозлар йиғим-терим сур'атини ошириш ўрнига жиддий равишда пасайтириб юбормоқдалар. Масалан, Жамбул номли (раиси Хўжаев, партия ташкилотининг секретари Қаюмов ўртоқлар) колхозни олайлик. Колхоз 10 октябрьда йиллик планнинг 1,96, 11 октябрьда 2,22 процента миқдорида пахта топширган бўлса, 12 октябрьга келиб атиги 5,6 тонна ёки планнинг 0,59 процента миқдорида пахта топширган. Мана шундай аҳвол ҳатто районда энг йирик ҳисобланган ва бу йил давлатга қариб 3 минг тонна пахта топшириши лозим бўлган Юсупов номли колхозда (раиси Хайитбоев, партия ташкилотининг секретари Т. Юсупов ўртоқлар) ҳам рўй бермоқда. Колхоз кейинги кунларда йиғим-терим сур'атини ниҳоятда пасайтириб юборди. У, графикдаги 80 тонна ўрнига кунига 20 — 21 тоннадан, пахта топширадиган бўлиб қолди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бунга сабаб нима? Бунга сабаб шуки, бу колхозларда теримчилар ва пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари учун етарли маданий-маиший шароит яратиб берилмаган, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар кучайтирилмаган. Колхоз партия ташкилотлари социалистик мусобақага бошчилик қилмаётирлар. Ана шу колхозларда пахтакорларга ўз вақтида пул ва натура авансларн бериб турилмайди, уларнинг иш кунлари ўз вақтида ҳисобга олинмаётир.

Яна шунга алоҳида э'тибор бериш керакки, Бўка район партия, совет ташкилотлари ҳозирги ғанимат кунларда пахта терилиши ва давлатга топширилиши юзасидан конкрет ва амалий раҳбарлик қилиш нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини унутмоқдалар, бу ишда беғамлик ва бепарволикка йўл қўймоқдалар. Меҳнатга қобилиятли кишиларнинг ҳаммасини теримга сафарбар этиб, илғорларнинг иш тажрибаларини бошқа теримчилар ўртасида кенг оммалаштиришга э'тибор бермаётирлар.

Мўл ҳосилни ёғ нобут қилмай қисқа муддатда йиғиштириб олишда терим машиналари ҳал қилучи роль ўйнайди. Бироқ, Бўка районида бу муҳим ишга ниҳоят даражада э'тиборсизлик блан қараб келинмоқда. Ҳозир ҳар иккала МТСда машина блан биринчи терим планининг ярми ҳам бажарилмаган. Иккинчи терим эса фақат битта колхоздагина бошланган. Пахта териш машиналаридан, хусусан «Ленинобод» ва Охунбобоев номли, К. Маркс номли, Сталин номли колхозларда ёмон фойдаланилмоқда. МТС директорлари (Живодеров ва Журба ўртоқлар) машиналарнинг турли сабаблар блан тўхтаб турганлигини билганлари ҳолда, уларни ишга солиш чораларини кўрмаётирлар. Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари МТС директорларидан мас'улият талаб қилмаётирлар. Терим машиналарига қаршилик кўрсатучи айрим колхозларнинг раҳбарларига ва агрономларига нисбатан муросасозлик қилиб келмоқдалар. Охунбобоев номли колхознинг агрономи Цой пахтаси етарли даражада очилган тайёр участкага машиналарнинг киритилишига тўсқинлик қилган. Натижада ана шу колхозда 3 та машина 5 кун бекор турган. Колхознинг 3-нчи бригадасида машиналар блан териш учун энг ноқулай ерлар ажратилгани устига, бригада бошлиғи бу ерларни машиналарга тайёрлаб беришдан бош тортган. Шунга кўра, бу ерда ишлаётган машиналарнинг кунлик иш унуми ниҳоятда паст бўлаётир. 1-нчи МТСнинг шу колхозда ишлаётган трактор бригадасининг механиги ўртоқ Санжаров машиналарга э'тибор берилмаганлиги учун ишни ташлаб, кетиб қолган.

Район пахта тайёрлаш планини энди 53 процент бажарди. Далалардаги ҳосилнинг ҳали учдан бир қисми ҳам йиғиштириб олингани йўқ. Ғанимат кунлар ўтиб боришига қарамай, район раҳбарлари ўтган йилнинг аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб олмаётирлар.

Районда сушилка хўжалигини тартибга солиш тўғрисида ғамхўрлик қилимаётир.

Район колхозларида мавжуд бўлган 97 та маҳаллий типдаги сушилкаларнинг ярмидан кўпи ремонтдан чиқарилмаган. Бу йил янгидан қурилиши лозим бўлган газ сушилкаларининг биттаси ҳам тўла битмаган.

Пахта майдони ва ҳосили жиҳатидан райондагина эмас, областьда салмоқли ўрин тутучи Юсупов номли ва Молотов номли колхозларда ҳам газ сушилкалари қуриш ишига мас'улиятсизлик блан қаралмоқда. Бу колхозларда янгидан қурилиши лозим бўлган ва суткасига 10—12 тоннадан пахтани қуритаоладиган 3 тадан сушилкаларнинг биттаси ҳам тўла қуриб бўлинмаган. Юсупов номли колхозда сушилкалар учун берилган шиферлар колхоз раҳбарларининг рухсати блан бошқа эҳтиёжлар учун ишлатиб юборилган. Шу сабабли бу колхозда 2 йил олдин бошланган 2 та газ сушилкасининг томи ҳанузгача ёпилмаган.

Мавжуд сушилкаларни ремонтдан чиқариш ва янгиларини қуриш ишн блан «XIX партс'езд», «Коммунизм», Охунбобоев номли, Тимирязев номли ва бошқа колхозларда ҳам деярлик ҳечким шуғулланаётгани йўқ.

Район колхозларида 200 дан ортиқ далачилик бригадалари бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам етарли сушилкаларга эга эмас. Шуни ҳам айтиш керакки, мавжуд сушилкалар учун ҳозиргача бир килограмм ҳам ёқилғи тайёрланмаган.

Сушилкаларни қурилиш материаллари блан та'минлашда район маслаҳат союзининг раиси Орифжонов, савдо мудири Файзиев ўртоқлар ҳам ўз бурчларини ниҳоятда қониқарсиз бажармоқдалар. Янгидан қуриладиган сушилкалар учун аллақачон ташиб олинищи лозим бўлган 50 минг пишиқ ғишт, 200 кубометр ёғоч ва 5 минг дона шифер шахсан ана шу ўртоқларнинг айби блан ҳозиргача келтирилмаган.

Бўка район колхозларида сушилкалардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаганлиги натижасида ўтган йили пахта йиғим-терими декабрь ойининг сўнгги кунларигача чўзилиб кетган эди. Афтидан, район партия комитети (секретари ўртоқ Аҳмедов), район ижроия комитети (раиси ўртоқ Маҳкамов) ўтган йилги аччиқ сабоқлардан ўзларига тўғри хулоса чиқариб олмаганга ўхшайдилар. Вазифа — ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳарбир соатидан тўғри ва унумли фойдаланиб, колхоз далаларидаги мўл ҳосилни тезда йиғиштириб олиш ва пахта тайёрлаш планини сўзсиз бажаришдан иборатдир.

Қ. АҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Пахта терими тезлашмоқда

Чиноз район МТСининг механик-ҳайдовчилари, республикамизнинг шонли 30 йиллик юбилейига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, СХМ—48М маркали пахта териш машинаси блан мавсумда 100 — 120 тоннадан пахта теріб бериш учун курашаётирлар.

Ҳозир кўпгина механик-ҳайдовчилар кунлик нормаларини ошириб бажармоқдалар. «XIX партс'езд» колхозида хизмат қилаётган механик-ҳайдовчи Ж. Йўлдошев ўз агрегатини усталик блан бошқариб, 2 — 2,5 тоннадан пахта теріб бермоқда. У, айрим кунларда ҳатто 3 тоннага етказиб ҳам пахта теради.

«Қизил Октябрь», Будённий номли, Ленин номли, Сталин номли, М. Горький номли колхозларда ишлаётган механик-ҳайдовчилардан С. Дўстматов, Б. Норматов, В. Бибаров, Қ. Эшов, Р. Абдурасулев, Вакилов ва бошқа кўпгина механик-ҳайдовчилар машина блан пахта теринда катта ютуқларга эришмоқдалар.

452 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган Каганович номли колхоз а'золари пахта териш машиналари ёрдамидан тўла фойдаланиш блан бирга, йиғим-теримни октябрь ойи охиригача тугаллаш учун курашиб, пахтани қўл блан теришни ҳам жадалларштириб юбордилар. 135 дан ортиқ теримчи мавсумда 8 — 10 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олган. Улар, кунлик терим нормасини доим ошириб бажараётирлар.

70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан пахта топшириш учун курашаётган коммунист ўртоқ М. Бабанов бошлиқ бригадада пахта терими айниқса тез сур'ат блан бормоқда. Бригаданинг илғор теримчиларидан Ҳ. Мирзаева, М. Имомжонова, Б. Бажанова ва П. Андреева ва бошқалар кунига 150—200 килограммдан пахта тераётирлар. Уларнинг ҳарбири ҳозиргача 5000 — 6000 килограммдан пахта терди.

А. РАСУЛЕВ,
Ж. ҲАСАНБОЕВ,
М. УСТАБОЕВ,
А. УБАЙДУЛЛАЕВ,
М. УМАРОВ.

лаган ғапини қай йўсинда бошлашга қийналар эди. Тут новдасини аста эгиб, бармоқлари блан ўйнаганча қулоқ солиб турган Лолахоннинг соч ўримлари остидаги оппоқ бўйнига, ярим ўгирилган юзига тикилиб сўради:

— Ҳаётингизда бирон кишини хафа қилганлигингизни эслайсизми?

— Нима эди? — Лолахон Алижоннинг мақсадига тушунди. — Хафа қилган бўлсам қилгандирман, сизни эмасми?

— Менн бўлсачи?

— Сизни хафа қилишга нима ҳаққим бор?

Лолахоннинг товушида истеҳзо ва шу блан бирга ўксиниш бор эди. Буни Алижон сезди.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?

— . . .

— Мен бошқача ўйлар эдим.

— Нима деб ўйлар эдингиз?—Лолахон бошини кўтариб қаради.

— Хафа бўлишга ҳаққим бор... деб юрар эканман.

— Ишониш қийин.

— Ишонмайсизми?

— Ишонмайман.

Алижон Лолахонга тикилганча қолди.

— Мен сизни хафа қилдим,— деди Лолахон, унинг ранги бирдан оқариб кетди. Қўллари титрар эди,— аммо сизники олдида меники ҳеч гап эмас.

— Мен сизни ҳеч хафа қилган эмасманку, мендан нима учун хафа эканлигингизни очиқ айтинг.— Алижон шошиб қолди.

— Қўйинг, фойдаси йўқ.

— Айтинг, илтимос қиламан. — Алижоннинг кўзлари жовдираб кетди.

— Ўзингиз гап очганингиз учун гапиришга тўғри келади. Агар тўғри жавоб берсангиз сиздан бир нарса сўрамоқчиман.

— Сўранг, — тўғрисини айтаман.

— Шифохонага сизни кўргани келиб юрган қиз ким? — Лолахон Алижоннинг юзига қаттиқ тикилиб унда қандай ўзгариш бўлишини кузатар эди. Лекин ҳеч қандай ўзгариш кўрмади. У, худди жумбоқни топишга қизиққан кишидек узоқ ўйлади-да деди:

— Сиздан бошқа ҳеч қанақа қиз мени кўргани киргани йўқ.

— Опангиз блан-чи.

— Опамнинг бир ўзи эди.

— Бекитаётирсиз, — Лолахон аста хўрсиниб қўйди. Юрагига бир нарса санчилгандек бўлди —

— Бекитаётганим йўқ.

— Бекитаётирсиз, айтгингиз келмаяпти.

— Қийнаманг.

— Сизни қийнашга ҳаққим йўқ, айтмасангиз ихтиёр ўзингизда...

Лолахон шундай ма'юс гапирдики, Алижон бундай ма'юсликни умиди узилган кишиларгагина кўрган эди.

— Агар мумкин бўлса юрагимни очиб кўрсатар эдим.

— Балки илгари шунақадир.

Ғўзанинг қулоғига сув очиб юрган сувчи кетмонини кўтариб бери келабошлади. Лолахон шошиб, «хайр» деди-да звеносига кетди. Бақатеракнинг ҳали у, ҳали бу шохига ўтиб чирқиллаётган иккита чумчуқ тепадан чўқишганча пастга тушиб, ерда бир-икки тепишгач учиб кетди.

Алижон серрайганича қотиб қолди. Ҳалиги сувчи яқинлашгач оғир қадам босиб юрабошлади. У ўзини эзиб ташланган ҳис қиларди. Лекин бир тарафдан мамнун эди. Гарчи Лолахон анча қаттиқ гапларни гапириб, гина қилган бўлса ҳам, ҳарҳолда унинг юрагини билдику. Демак Лолахон уни севади. Лекин шу севгини билиш соати кутилмаган, гинагудуратга тўғри келгани Алижонга алам қилди: ким экан, у қиз, опам блан...

Алижон идорага кўнгли хира бўлиб чиқди. Муҳаммаджонов кабинетида бир ўзи нималар бландир шуғулланиб ўлтирар эди. У блан сўрашди-да, диванга ўлтирди.

Ҳаёли ҳали ҳам бутазор ёнида. Ҳалигина Лолахон блан бирга бўлган дамлари худди тушида кўргандек, ростми-ёлғонлиги ма'лум бўлмаган қизиқ таассурот қолдирган эди.

— Кружокни давом этдиришга тўғри келади, Алижон.

— Жуда яхши, — Алижон фикрини йиғиб жавоб берди

— Келгуси машғулотни сиз ўтказасиз.

— Нима ҳақида.

— Ерни янгича ишлашнинг иккинчи даври ҳақида, бу ҳам академик Вильямснинг та'лимотига асосланади.

— Масалан?

— Ғўза парвариши даврини оласиз.

— Оғирку. бу ҳақда адабиётда конкрет ҳечнарса бўлмаса керак.

— Қўркманг, мен сизга ҳали бир китоб юбораман.

— Хўб, деди Алижон.

XVIII

Колхоз раиси ўлтирадиган кенг хона. Раис стулининг орқасидаги деворда пахта майдонининг схемаси осилгик турипти. Стол устида сопсиз кетмон ва культиватор тиши. Агроном Муҳаммаджонов Алижонга дам схемани, дам кетмон, дам культиватор тишини кўрсатиб уқтирмоқда.

Хона бригада, звено бошлиқлари ва тажрибакор колхозчилар блан лиқ тўлди. Шерматота ҳар сафаргидек, раис столига қўндаланг қўйилган ўртадаги столнинг ўнг тарафидан жой олди. Муҳаммаджонов машғулотни бошлаш учун Алижонга сўз берди.

Алижон колхозчилар мажлисида, комсомол йиғилишида сўзлаб юрган бўлса ҳам, илмий масалада биринчи сўзлаши бўлгани учун сўзининг кириш қисмида эҳтиётиб қолди, ўйлаб қўйган фикрларини атрофлича гапиролмай қисқа қилиб тугатди. Шундай бўлса ҳам ерни революцион усулда янгича ишлаш туфайли деҳқончиликда, айниқса пахтачиликда қўлга киритилган ютуқларни умумий тарзда баён қилаолди. Бунгача дамбадам тезнсга қараб гапирди. Сўзининг амалий қисмига ўтганда ўзини тутиб, дадил сўзлай бошлади.

— Эндиги вазифа, — деди у, — ерни янгича ишлаш усулини пахтадан мўл ҳосил олиш учун қурашнинг иккинчи даври: я'ни ғўза парвариши даврига ҳам дадиллик блан кўчиришдан иборат бўлмоғи керак.

Колхозчилар бир-бирларига қарашиб олдилар. Алижон стол устидаги тезисни варақлаб ма'лум жойини кўздан кечириб олди.

— Совет агротехника фани та'лимотига кўра ўсимлик ҳамма вақт юмшоқ тупроқда ўсиши, илдизининг атрофидаги тупроқлар доим донадор бўлиб, зичланмаслиги керак. Шундай бўлгач, ҳамма жойда ҳам кетмон чопиғини бир хилда ўтказиш зарурми, йўқми, деган масала туғилади. Менимча кетмон чопиғини қисқартириш керак.

Ҳаммаларнинг юзида таажжуб аломати пайдо бўлди. Аҳмедов «тўғрими» дегандек агрономга қаради. Агроном Алижоннинг сўзини қувватлаб бош қимирлатиб ўлтирар эди. Лекин, бошқа бирор кишида Алижоннинг янги фикрига қўшилиш истаги кўринмасди. Алижон сўзини давом этдирди.

— Кетмон чопиғи ҳақидаги бу фикр янги бўлгани учун кўпларимизга ёт туюлади. Лекин, пахтачилигимизда бора-бора кетмоннинг йўқолиши турган гап. Бунинг учун етарлик далиллар бор.

— Бўлмаса, нега ҳукумат «кетмонни йўқ қил» деб, қарор чиқармайди? — Шерматота дабдурустдан сўради.

— Мен кетмон сра ҳам керак эмас деяётганим йўқ. Гап машина устида бораётир.

— Чопиқда кетмон ўрнини машина босаолмайди. — Шерматота эшитиксиз келмагандек юзини четга ўтурди.

— Эҳтимол, кўп ўртоқлар ҳам сизнинг фикрингизни айтар, лекин ўсимлининг таги юмшоқ сақланиб турган бир пайтда кетмон ишлатишнинг ўринсиз эканлигини исбот қилаоламан. Масалан, — Алижон Шерматотага қараб гапира бошлади, — ҳозир менинг ҳам — сизнинг ҳам ва бошқа бирнеча звеноларнинг ҳам ғўзаси икки марта чопиқ, икки марта культивация қилинди. Ерда бегона ўт илдизи йўқотилди. Эндиги суғориш олдидан ўғит берамиз. Сув эгатдан жилдиратиб оқизилса, ғўзанинг бўғзи қотмайди, минерал ўғитнинг кучи блан балки бўғзидаги тупроқ донадорланиб илдизининг ўсишига ёрдам беради. Фақат сув оққан эгат ичини кенг культивация қилинса кифоя, шундай бўлгач, уя оралиғига кетмон урушнинг нима фойдаси бор?!

Колхозчилар Алижоннинг ишончли далилидан кейин ўйланиб қолдилар.

— Кетмон асосан бизнинг замондаги қурол эмас, — Алижон ўз фикрини энди дадил исботлайбошлади. Стол устида турган культиватор тишини қўлига олди, — бу блан қатор орасини 30 сантиметргача чуқурликда, 45 — 50 сантиметргача кенгликда юмшатамиз. Машина ғўзанинг бўғзига тупроқни ўзи тўплаб кетади. Культиватор юрган қаторда ўтнинг илдизи йўқолади.

— Ҳамма жойда ҳам дастлабки чопиқдан кейин кетмон ишлатмаса бўладими? — Муҳаммаджонов бошқаларга аниқ бўлсин учун атайин сўради.

— Йўқ, — деди Алижон, — кейинги чопиқларда кетмон ишлатилмаслиги учун ер экиш олдидан юқори сифатли ишланган бўлиши, суғориш ғай усулида ўтказилиб, сув эгатнинг тагидан жилдиратиб оқизилиши, ер етарли равишда озиқлантирилган бўлиши керак.

— Суғориш вақтида эгатни сув босиб кетсачи? — Меҳриой сўради.

— У вақтда культивациядан кейин албатта кетмон чопиқ қилинади.

Агроном суҳбатни якунлади. Чопиқда кетмонни кам ишлатиш зарурлигини, чигитни уялаб — квадрат усулда экиш жорий қилингач, кетмон зарурияти йўқолажагини уқтирди.

— Менга сўз беринг, — Шерматота ўрнидан турди.

— Бояқдан ,бери роса гапирдинглар, гап қаердан чиқаркин десам кетмонни йўқ қилмоқчисизлар. Бу нима деган гап?! Бунақа бўлаверса биз ишни йиғиштириб қўяйликда. Алижон блан Муҳаммаджонов пахта берсин.

— Ота, тағин...

— Қўйинг бу гапингизга сра қўшилиб бўлмайди, ўртоқ Муҳаммаджонов, — ота зарда блан қўл силтаб ўлтирди.

— Мен бир нарса демоқчиман,—раис ўрнидан турди, унинг юзида шубҳа ва ишончсизлик аломати кўриниб турар эди. Колхозчилар, айниқса Алижон блан агроном раисниг нима демоқчи эканлигини қизиқиб кузатардилар.

— Ғўза парваришида кетмонни кам ишлатиб, механизацияга кенг ўрин бериш тўғрисида бу кунги суҳбатда бўлган гаплар жуда фойдали. Аммо, яқин ўртада, бир йил-икки йил ичида амалга ошириладиган иш эмас. Шунинг учун бу ишга шошмаслик керак

— Нега? — Аҳмедов сўради.

— Чунки, ҳали бу иш ҳечқаерда синаб кўрилгани йўқ.

— Синаб кўрилган — кўрилмагани блан бизнинг ишимиз йўқ, — деди Аҳмедов,—сиз бошқа сабабини кўрсатинг.

— Планга мувофиқ ғўзамизни ўрта ҳисобда бир культивация, тўрт кетмон чопиғи қилишимиз керак. Бу район берган топшириқ.

Раиснинг ҳарбир нарсага расмиятчилик блан қараш одати борлиги учун Аҳмедов унинг ҳозирги сўзига э'тиборсизлик блан қўл силтади:

— Ҳукуматимизнинг топшириғи шунда ҳам бажарилади. Кетмон блан бўлмаса, машина блан бажарилади, бу яхши эмасми?

— Ҳар ҳолда ўйлаб кўриш керак.

— Ўйламай нима қилаётирмиз, ҳали ҳам бу тажриба барча еримизда ўтказилмайди.

Раис индамай қолди, у гуё бўлғуси кўнгилсиз воқиани бўйнидан соқит қилган кишидек стулига тинч ўлтирди.

— Қани натижага келайлик — Муҳаммаджонов колхозчиларга қаради — ҳечким индамас эди. У одамларнинг фикрини билиш учун бригада, звено бошлиқларига бирма-бир мурожаат қилди.

—Сиз нима дейсиз, Лолахон?

— Мен тамомила қўшиламан.

— Сизчи, Шокирака?

— Амалга ошириш керак, — деди звено бошлиғи.

— Менда шундай таклиф бор, — Аҳмедов Шерматотага қаради, — ҳосилот совети ва бригада, звено бошлиқлари суғоришга бевосита жавобгар бўлсинлар. Умуман колхозда суғориш ишига Шерматотани раҳбар қилиб кўрсатамиз, агротехника тўғарагининг навбатдаги машғулотида чўқур эгат орқали суғориш ҳақида отанинг маслаҳати эшитилсин.

— Яхши таклиф, яхши маслаҳат, — дейишди колхозчилар.

Шерматота индамади, у ҳамма Алижон блан Муҳаммаджоновнинг фикрини ма'қуллагач, ўзини оғир тош остида қолгандек сезди, қизи ҳам уларга қўшилди. ота машғулот туғаши блан ҳечкимга қарамай ҳаммадан олдин туриб жўнади

Лолахон отасининг қаттиқ хафа бўлганлигини билиб ҳайрон эди. Лекин ҳозир ҳаёли бошқа нарсала.

— Юр, Лола, кетмаймизми? — Меҳриой сўради.

— Туратур, — Лолахон негадир кетгуси келмас эди.

Алижон стол устидаги асбобларни олиб бир чеккага қўйди, ўз столида қовоғини солганча миқ этмай ўлтирган раис блан ҳайрлашиб хонанинг ўртасига келганда Лолахон қўшоғлари. Унинг кетидан турган Меҳриой Алижонга:

— Яхши лекция қилдингиз, — деди.

— Ростданми, сизларга ёққан бўлса яхшия.

Алижоннинг кинояснга Лолахон тушинса ҳам Меҳриой ҳечнарса пайқамади.

— Жуда яхши гапирдингиз, ҳаммага ма'қул бўлди.

Алижон индамади, у қаттиқ чарчаган одамга ўхшар эди. Лолахон унинг вужудидаги хорғинлик, чеҳрасидаги сўлғунликни кўриб, ўша учрашувни эслади: Алижон тут бутаси ёнида ёлғиз ўзи қолганда Лолахон орқасига қайрилиб қарар экан йигитнинг боши ерга солинган, ҳозиргидек ма'юс эди. Лолахон «салкам агроном бўлиб қолибсиз» деб ҳазиллашса ҳам куч блан кулди-да, «ҳар ҳолда агроном эмасмиз-ку» деб қўяқолди.

Илгари шундай гап урилиб келганда Алижон завқ блан кулар, айниқса Лолахон ҳазил қилганда усталик блан монанд жавоб қайтарар эди. Шунинг учун Меҳриой ҳайрон бўлди. дам Алижонга, дам Лолахонга тикиларди. Йўлда кетатуриб Лолахондан сўради:

— Алижон акамнинг машқи пастроқми?

— Қайдам.

— Тузук-қуруқ гапиришмади.

— Мен блан уришкан.

— Нега? — Меҳриой худди бир нарсадан қўрқандек сесканиб кетди.

—Ўша қизни сўрасам танимайман, деб айтмовди, жаҳлим чиқди.

— Нима дединг, қаттиқ гапирганинг йўқми?

— Йўқ, — деди бўшгина Лолахон, жавобидан ўзи ҳам норози эди. Алижон блан ўртасида бўлган гапни батафсил айтиб беришдан ўзи ҳам азобланишини билди. — кел, қўй, суриштираверма.

Меҳриой дугонаси Алижон блан ҳийла цари — бериа боришканини билди.

— Ўзинг ҳам ҳар нарсага ловиллаб кетасан. Оғир бўл, ахир, таги чиқиб қолар демабмидим.

(ДАВОМИ БОР).

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ ҲУЗУРИДА НЕРУ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ПЕКИН, 20 октябрь. (ТАСС). Бугун Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай ХХР Марказий халқ ҳукуматининг таклифига биноан Хитойга келган Ҳиндистон Республикаси бош министри Джавахарлал Неру шарафига катта қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида ХХР Раисининг ўринбосари Чжу Де, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси Доимий комитетининг раиси Лю Шао-ци, бош министр ўринбосари Чэнь Юнь ва Хитой давлатининг бошқа раҳбар арбоблари, ҳукумат муассасаларининг ходимлари, демократик партияларнинг ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Халқ-озодлик армиясининг вакиллари, маданият арбоблари ва пойтахт жамоатчилигининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Пекиндаги элчихона ва миссияларнинг бошлиқлари ва ходимлари, Хитой ва четэл журналистлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Давлат кенгашининг бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай ва бош министр Неру нутқ сўзладилар.

Нерунинг Хитойга келганлиги тўғрисида Хитой матбуотининг ёзганлари

ПЕКИН, 20 октябрь. (ТАСС). Хитой матбуоти Ҳиндистон бош министри Нерунинг Хитой Халқ Республикасига келганлигини шарҳламоқда.

«Гуаминжибао» газетаси бундай деб ёзади: бош министр Чжоу Энь-лайнинг июнь ойида Ҳиндистонга қилган сафаридек бош министр Нерунинг Хитойга келиши ҳам Хитой блан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда, шак-шубҳасиз ижобий роль ўйнайди.

Хитой блан Ҳиндистон ўртасида Чжоу Энь-лай ва Нерунинг биргаликда берган баёнотларида эълон қилинган беш принцип асосида ривожланаётган дўстлик муносабатлари Осиёда қуввал системалари ҳархил бўлган давлатларнинг тотув яшашини кўрсатучи ажойиб мисолдир.

«Гунженьжибао» газетаси ўзининг бошмақоласида, Хитой блан Ҳиндистон ўртасидаги тинчлик ва дўстлик — Осиёда ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш ишида катта кучдир, деб ёзади.

ГДР Халқ палатасига ва Катта Берлин Халқ вакиллигига сайлов натижалари

БЕРЛИН, 20 октябрь. (ТАСС). ГДР Халқ палатасига сайлов ўтказган Марказий сайлов комиссияси Германия Демократик Республикасининг Халқ палатасига 17 октябрьда ўтказилган сайловнинг қуйидаги узил-кесил расмий якунларини эълон қилди:

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 12.085.380 кишидан сайловда 11.892.849 киши, яъни 98,41 процента қатнашган. 11.828.877 киши, яъни овоз берганларнинг 99,46 проценти демократик Германия Миллий фронтининг бирлашган рўйхатини ёқлаб овоз берган. Бекор деб топилган ва Миллий фронтнинг бирлашган рўйхатига қарши берилган бюллетеньлар 63.972 та яъни 0,54 процентдир.

Катта Берлин Халқ вакиллигига бўлган сайловнинг илгари эълон қилинган дастлабки натижалари қат'ий расмий натижалар ҳисобланади.

БЕЛГРАДНИ ОЗОД ҚИЛИШ УЧУН ОЛИБ БОРИЛГАН ЖАНГЛАРДА ҲАЛОК БЎЛГАН ЮГОСЛАВ ВА СОВЕТ ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ҚАБРЛАРИГА ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ.

БЕЛГРАД, 20 октябрь. (ТАСС). Бугун Белградда Югославия пойтахти озод қилинганига ўн йил тўлганлиги муносабати блан Белградни озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган югослав ва совет жангчиларининг қабристони очилди ва уларнинг қабрларига гулчамбарлар қўйилди.

Югославия пойтахтини озод қилиш вақтида немис-фашист қўшинларига қарши олиб борилган жангларда ҳалок бўлган жангчиларнинг жасадлари дафн қилинган қабристонда Белград меҳнаткашларидан ўн мингларча киши тўпланди. Югославия Иттифоқ ижроия вечесидан, Югославия коммунистлар союзи Марказий комитетидан, Югославия касаба союзлари Марказий советидан, қурашчилар союзидан, Белград Халқ комитетидан гулчамбарлар қўйилди.

СССРнинг Югославиядаги элчиси Вальков ва совет ҳарбий атташеси полковник Кардашев «СССР элчихонасидан» деб ёзилган гулчамбарни қўйдилар.

Қабристонда бўлган митингда Югославия коммунистлар союзининг Белград шаҳар комитети секретари Швабич ва миллий мудофаа ишлари бўйича давлат секретарининг ўринбосари генерал-полковник Креачич нутқ сўзладилар.

БОЛГАРИЯДА КЎМИР САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

СОФИЯ, 20 октябрь. (ТАСС). Болгарияда аҳолининг жон бошига чиқариладиган кўмир миқдори халқ ҳокимияти йилларида уч баравардан ортиқ кўпайди. Ишлабчиқаришни механизациялаш кўмир чиқаришни кўпайтиришга ёрдам бермоқда. Ҳозирги вақтда шахталардаги асосий ишлабчиқариш процесслари 70 процентдан ортиқ механизациялаштирилган. Совет шахтёрларининг тажрибасини ёйиш туфайли кўмир саноатида меҳнат унуми 1953 йилда 1949 йилдагига нисбатан 46,7 процент ошди.

1957 йилда тошкўмир чиқариш 1952 йилдагига нисбатан тахминан 89 процент кўпаяди. Кўмир саноатига капитал сарфлаш ҳажми иккинчи бешйилликда беш баравар ортади.

ПОЛЬШАДА В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИНИНГ 27-НЧИ ВА 28-НЧИ ТОМЛАРИ НАШР ЭТИЛДИ

ВАРШАВА, 20 октябрь. (ТАСС). Польшанинг «Китоб ва билим» нашриёти В. И. Ленин Асарларининг 27-нчи ва 28-нчи томларини поляк тилида босиб чиқарди.

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси

СИЁСИЙ КОМИТЕТДА

НЬЮ-ЙОРК, 20 октябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** БМТ Бош Ассамблеясининг Сиёсий комитети кеча эрталабки мажлисида қуролсизланиш ҳақидаги масалани муҳокама қилишни давом эттирди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан Миср вакили Рамадан, менинг фикримча, дискуссия вақтида муҳокама қилинаётган масалада нуқтаи назарни бир-бирига яқинлаштиришга интилиш борлиги сезилди, деди ва буюк давлатларни келишишга чақирди. У, кичик ва ўрта мамлакатларни ҳам келишиш ишига ўз ҳиссаларини қўшишга да'ват этди.

АҚШ вакили Уодсвортнинг нутқи унинг Совет Иттифоқи томонидан биртомонлама ён берилишига, қуролсизланиш масаласида СССРнинг асл позициясини бузиб кўрсатишга интилаётганлигини акс эттирди.

Ироқ вакили Жамолий ғарбий давлатларнинг позициясини тамомила қувватлаб ва «ортиқча оптимизм»га қарши гапириб, аслда тинчликни «зўровонлик ёрдами блан» сақлаш ҳақидаги тезисни ёқлаб чиқди. Шу блан бирга у, совуқ муносабатлар урушининг давом этишига гўё қандайдир «коммунизмнинг қўпорувчилик фаолияти» сабаб бўлаётир деган туҳмат да'вони такрорлади.

Аргентина вакили муҳокама қилинаётган масаланинг муҳимлигини та'кидлаб, қуролсизланиш масаласида ҳозирги сессияда илгарига қараб қанчалик силжиш бўлишидан қат'ий назар, Бош Ассамблея бу масала юзасидан шундай резолюция қабул қилиши керакки, бу резолюция совуқ муносабатлар урушга ва зўр бериб қуролланиш натижасида инсониятда пайдо бўлган пессимизм ҳисларини йўқотсин, деди.

БОШ КОМИТЕТДА

НЬЮ-ЙОРК, 20 октябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Кеча кундузи Бош комитетнинг мажлиси бўлди. Мажлисда «Янги уруш пропагандасини тақиқлаш» деган моддани, я'ни Чехословакия делегацияси тақдим этган моддани ва «Хитой Халқ Республикасига қарши қаратилган агрессив ҳаракатлар ҳақида ва бу ҳаракатлар учун АҚШ ҳарбий-денгиз флоти жавобгар эканлиги тўғрисида» деган моддани Бош Ассамблея кун тартибига киритиш ҳақидаги масалани муҳокама қилишга киришди.

Англия вакили Ллойд аслда бу моддани кун тартибига киритилишига қарши э'тироз билдирмади, бироқ Бош комитет бу масалани икки ҳафтадан кейин кўриб чиқсин, деб таклиф қилди. Франция, Исландия ва Бирма делегатлари бу таклифни қувватладилар.

СССР вакили А. Я. Вишинский ўз нутқида ўқтириб ўтдики, совет делегацияси бу масалани бир мақсадни кўзда тутиб муҳокамага қўяётирки, у ҳам бўлса, — Тайвань ороли ва Хитой денгизлари районида юз берган аҳволга хотима беришдан иборатдир, бу аҳвол тинчликка хавф солади. АҚШ томонидан бевосита ёки унинг раҳбарлиги остида қилинаётган ҳаракатлар, деди А. Я. Вишинский, Тайвань ва Хитой денгизлари районини Узоқ Шарқда уруш ўчоғига айлантиради, бу эса оғир оқибатларга сабаб бўлиши мумкин ва катта ташвиш туғдиради, албатта. Бундай аҳволнинг юз берганлиги учун АҚШнинг агрессив доиралари бевосита жавобгар эканлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Биз бундай аҳволга Бош Ассамблея э'тибор бериши лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабдан биз бу масаланинг янги муҳим модда сифатида кун тартибига киритилишини таклиф қиламиз.

Ғарбий мамлакатларнинг делегатлари бу масаланинг муҳокама қилинишли халқаро кескинликни кучайтиришга олиб келиши мумкин деб да'во қилиб чиққан эдилар. А. Я. Вишинский ана шундай да'воларга тўхталиб бундай деб ўқтириб ўтди: Агрессив ҳаракатлар ҳақидаги масаланинг муҳокама қилиниши халқаро муносабатларни кескинлаштиришга сабаб бўлмайди, балки фактларнинг — я'ни агрессив ҳаракатларнинг ўзлари халқаро муносабатларни кескинлаштиришга сабаб бўлади. Бундай ҳаракатларнинг муҳокама қилиниши ана шу хил агрессив ҳаракатларни йўқотишга қаратилгандир.

Сўнгра сўзга чиққан АҚШ вакили Лодж Совет Иттифоқини шундай деб айблашга уриндики, гўё Совет Иттифоқи Тайвань ҳақидаги масаланинг муҳокама қилинишидан АҚШга қарши «совуқ муносабатлар уруши» учун фойдаланмоқчи эмиш.

Бош комитет икки овозга (СССР ва Чехословакия)га қарши 12 овоз блан «ХХРга қарши қаратилган агрессив ҳаракатлар ҳақида ва бу ҳаракатлар учун АҚШ ҳарбий-денгиз флоти жавобгар эканлиги тўғрисида» деган моддани Бош Ассамблея кун тартибига киритиш тўғрисидаги масаланинг муҳокама қилинишини икки ҳафтага кечиктириш ҳақидаги таклифни қабул қилди.

Шундай қилиб, АҚШ вакили ва унинг позициясини қувватлаётган делегациялар бу масаланинг муҳокама қилинишига тўғридан-тўғри қарши чиқишга жур'ат қилмаганлари ҳолда, бу масалани муҳокама қилишни вақтинча кечиктиришга муваффақ бўлдилар.

Сўнгра, Бош комитет «Хитой денгизлари районида кемаларнинг эркин қатнаб туришига халақит берилаётир» деган сарлавҳали моддани кун тартибига киритиш ҳақидаги СССР таклифини муҳокама қилишга киришди. Америка делегати Лодж қўллаб-қувватлаган гоминданчилар вакили бу масаланинг муҳокама қилинишини нома'лум вақтга кечиктиришни дарҳол ёқлаб чиқди.

СССР вакили А. Я. Вишинский бу моддани кечиктирмасдан Бош Ассамблея кун тартибига киритишни таклиф этиб, бу масаланинг иккинчи марта муҳокама қилинаётганини ва биринчи марта муҳокама қилинган вақтда бу модданинг кун тартибига киритилишини бирнеча кун кечиктиришга қарор қилинганини Комитет а'золарига эслатиб ўтди ва Бош Ассамблеянинг ана шундай қарор қабул қилганидан буён икки ҳафтага яқин вақт ўтди ва Бош Комитет Бош Ассамблеянинг бу ҳақдаги қарорини бажариши лозим, деди. СССР вакили Комитет а'золарига бундай деб эслатиб ўтди: «Туапсе» деган совет танкери ва унинг командаси ҳақидаги масалани ҳал этиш учун Совет ҳукуматининг илтимосига биноан Франция ҳукумати қилаётган холис хизмат Хитой денгизлари районида кемаларнинг эркин қатнаб туришига халақит берилаётганлиги ҳақидаги бутун масалани ҳал қилаолмайди, Бош Ассамблея бу районда кемалар қатновини хавф остида қолдираётган гоминданчиларнинг босқинчилик ҳаракатларига хотима бериши лозим. СССР вакили гоминданчиларнинг босқинчилик ҳаракатлари давом этаётганлигини кўрсатучи янги фактни келтирди. Бу гал гоминданчилар Шанхайга кетаётган «Инчкила» деган инглиз кемасини ушладилар.

Бизнинг фикримизча, деди А. Я. Вишинский, бу моддани Бош Ассамблеянинг кун тартибига киритиш вақти келди.

Унча узоқ давом этмаган мунозаралардан кейин Бош комитет Франция вакилининг гоминданчи таклифига киритиш учун тақдим этган тузатишини кўпчилик овоз блан қабул қилди. Франция делегати тақдим этган тузатиш бу моддани кун тартибига киритиш ҳақидаги масалани ҳал қилишни яна икки ҳафтага кечиктиришни кўзда тутади.

Шу блан Бош комитетнинг мажлиси ёпилди.

СУВАЙШ КАНАЛИ ЗОНАСИДАГИ БАЗА ТЎҒРИСИДА АНГЛИЯ МИСР БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

ҚОҲИРА, 20 октябрь. (ТАСС). Қоҳирада Сувайш канали зонасидаги ҳарбий база тўғрисида Англия-Миср битими имзоланди.

Битим 13 моддадан, иккита иловадан ва делегацияларнинг бир-бирларига ёзган 17 хатидан иборат.

Битимда инглиз қуролли кучларини битим имзоланган кундан бошлаб 20 ой ичида Мисрдан тамомила эвакуация қилиш кўзда тутилади.

Битимнинг 2-нчи моддасида айтилишича, Англия ҳукумати 1936 йилги Англия-Миср шартномаси ўз кучини йўқотган деб эълон қилади. Мисрга келганда, ма'лумки, Миср парламенти бу шартномани 1951 йил октябрьдаёқ бекор қилган эди. Бироқ гарчи инглиз қўшинларининг Мисрдан олиб кетилажаги эълон қилинса ҳам, битимда кўзда тутилишича, «Сувайш канали зонасидаги базанинг муайян қисмлари» ишлаб турган ҳолда сақланади, бундан мақсад — битимнинг 4-нчи моддасида махсус равишда айтиб ўтилган ҳолларда базадан дарҳол фойдаланишдир.

Бу моддада араб мамлакатлари иттифоқи а'зоси бўлган мамлакатларга ёки Туркияга биронта давлат «қуролли ҳужум қилган тақдирда» инглиз қўшинларининг базага қайтиб келишга ҳақли эканлиги тўғрисида гапирилади. (Эсдалик хатида «биронта давлат» деган сўзлар юқорида айтиб ўтилган араб мамлакатларидан ва Туркиядан бошқа шунингдек Исроилдан бошқа ҳарбир мамлакат кўзда тутилганлиги айтиб ўтилади).

Битимда кўзда тутилишича, инглиз қўшинлари канал зонасидаги базага қайтиб келганлари тақдирда, Англия ўз флоти учун Миср портларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Миср ҳукумати Англия ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётларига Миср территорияси устида учиб юриш, аэродромларга қўниш ва аэродром ходимларининг хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш мажбуриятини олган, лекин бу ҳақда Миср ма'мурлари олдиндан хабардор қилиниши шарт.

Битим 7 йил муддатга тузилган.

Битимнинг биринчи иловасида инглиз қўшинларини олиб чиқиб кетиш тартиби ҳақида гапирилади.

Иккинчи иловада инглиз қўшинлари олиб чиқиб кетилганидан кейин базани ишлаб турган ҳолда сақлаш учун кўриладиган тадбирлар ҳақида гапирилади.

Ҳар иккала томон бир-бирига молиявий талаблар қўйишдан воз кечиш ҳақида келишган.

Аденауэр блан Мендес-франс ўртасидаги музокаралар

ПАРИЖ, 20 октябрь. (ТАСС). Франция Министрлар совети раиси Мендес-Франс блан ғарбий герман канцлери Аденауэр ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисида кеча ярим кечада ахборот э'лон қилинди. Ахборотда, саноат, савдо-сотиқ ва қишлоқ хўжалик проблемалари муҳокама қилинди, иккала суҳбатдош «француз-герман савдо-сотиқ ишларини ривожлантиришни та'минлайолдиган ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида кенг ҳамкорликка асос солааладиган бирқанча тадбирлар ҳақида келишдилар», дейилади.

Саар проблемасига келганда, ахборотда «янги музокаралар» бўлади, деб кўрсатилади.

«Юманите» газетасининг ўқтириб ўтишича, Мендес-Франс блан Аденауэрнинг Саар тўғрисидаги музокаралари орқасида халқаро кескинликни кучайтиришдан манфаатдор бўлган немис ва француз қурол-яроғ фабрикантлари турипти. Газета иккала мамлакат капиталистлари ўртасида тузилиши мумкин бўлган иттифоқнинг мустаҳкам характерда бўлмаслигини ўқтириб, бундай деб ёзади: «Саар тўғрисида ҳозирги тортишув ана шундай вақтинча иттифоқ учун типик нарсадир, бундай иттифоқлар кучларнинг мустаҳкам бўлмаган таносиби натижасидир. Франция ҳукумати француз капиталистларининг ба'зи группалари учун Саарда анча имтиёзларга эришди. Ўша вақтдан буён герман капитализмининг ба'зи маслаҳатчилари, масалан, гитлерчи Шахт, ана шу имтиёзлар эвазига Германия француз мустамлакаларини эксплуатация қилишда қатнаштирилсин, деб таклиф қилмоқдалар...

Америка монополиялари қўллаб-қувватлаётган герман капиталистларининг фикрича, ҳозирги вақтда уларнинг ўз мақсадларига эришишлари учун қулай пайт келган. Уларни француз капиталистларининг ба'зи группалари (Шнейдер) қўллаб-қувватлаётир. Саар масаласининг мазкур группаларнинг имтиёзларини сақлаб қоладиган равишда вақтинча ҳал этилиши ҳарбир ҳолда, хатто бошқа районлар «бўлинганда ҳам» шу группалар учун фойдалидир.

Франция ҳукумати худди ана шу комбинацияни Франция блан Германияни яраштириш йўлидаги «бир давр» деб тақдим этмоқчи бўлади».

Ғарбий Германияни қайтадан қуроллантириш масаласи юзасидан Парижда кенгаш

ПАРИЖ, 20 октябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради: Бугун Парижда АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Ғарбий Германия ташқи ишлар министрларининг Ғарбий Германияга «суверенитет» бериш деб аталган масалага бағишланган кенгаши очилди.

«Суверенитет бериш» формуласи тагида Ғарбий Германияни қайтадан қуроллантириш яширинганлиги ма'лумдир.

Финляндиянинг янги ҳукумати

ХЕЛЬСИНКИ, 20 октябрь. (ТАСС). Бугун республика президенти Ю. К. Паасикиви Аграр союзининг раҳбари, аз валги ҳукуматда ташқи ишлар министри бўлган Урхо Кекконен тузган янги ҳукумат составини тасдиқлади. Ҳукумат қуйидаги составда тузилган: бош министр—Урхо Кекконен, ташқи ишлар министри — Иоганнес Виролайнен (Аграр союзи), ички ишлар министри Вяйне Лескинен (социал-демократик партия), мудофаа министри — Эмиль Скуг (социал-демократик партия), йўллар ва жамоат ишлари биринчи министри — Мартти Миеттунен (Аграр союзи), йўллар ва жамоат ишлари иккинчи министри — Ханнес Тиайнен (социал-демократик партия), ер ишлари министри — Вильями Каллиокоски (Аграр союзи), биринчи молия министри — Пенна Терво (социал-демократик партия), иккинчи молия министри — Вейкко Веннамо (Аграр союзи), савдо ва саноат министри — Аарре Симонен (социал-демократик партия), у юстиция министри вазифасини ҳам вақтинча бажаради, маориф министри — Кертту Саалости хоним (Аграр союзи), биринчи социал ишлар министри — Онни Пелтонен (социал-демократик партия), иккинчи социал ишлар министри — Тююне Лейво — Ларссон хоним (социал-демократик партия).

АҚШда прогрессив арбоблар қамоққа олинмоқда.

НЬЮ-ЙОРК, 20 октябрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Вашингтондаги мухбири хабар беришича, Федерал тергов бюросининг директори Гувер Нью-Йоркда ва Пуэрто-Рикода ФБР агентлари томонидан Пуэрто-Рико Коммунистик партиясининг раҳбарларидан 10 киши қамоққа олинганлигини айтди. Қамоққа олинганлар шунинг учун айбланадиларки, гўё Смит қонунини бузган эмишлар.

Ҳиндистонда Францияга қарашли ерларнинг Ҳиндистон Иттифоқига қўшилишига доир

ДЕҲЛИ, 19 октябрь. (ТАСС). Ҳиндистонда Францияга қарашли ерлардаги аҳолининг вакиллари конгресси кеча жуда кўпчилик овоз блан Ҳиндистонга қўшилишни ёқлаб овоз берди. 178 вакилдан 170 таса қўшилишни ёқлаб ва 8 таси қўшилишга қарши овоз берди.

Ма'лумки, Ҳиндистон блан Франция ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида аҳолининг ҳоҳишини билиш мақсадида, Францияга қарашли ерлардаги муниципал коммуналардан ва вакиллик мажлисларидан сайланган вакилларнинг конгрессини чақиришга қарор қилинган эди. Ҳокимиятни топшириш ҳақида бугун Деҳлида расмий битим имзоланади.

АҚШ ЯПОНИЯНИ ҚУРОЛЛАНТИРМОҚДА

ВАШИНГТОН, 19 октябрь. (ТАСС). АҚШ ҳукумати «хавфсизликни ўзаро та'минлаш ҳақида»ги қонун асосида Японияга резервдаги икки эсминцини насиятга берган.

☆ ☆ ☆

„ТЕЗ ЁРДАМ“

Пойтахт кўчалари бўйлаб «Москвич» «Победа», «ЗИМ» ва «ЗИС» машиналари тинмай у томондан бу томонга ғизиллаб ўтиб турипти. Пассажирлар шошилмоқда. Аммо барча шоферлар кўчаларда қизил санитария крести ифодаланган машиналар пайдо бўлган пайтда ўз машиналарининг тезлигини секинлаштирадилар. Йўловчилар бундай машиналарни ҳурмат блан кузатиб қоладилар, постда турган милиционерлар эса «Кўк кўча» ишорасини бериб, я'ни йўл хавфхатарсиз эканлигини ма'лум қилиб, уларни тезда ўтказиб юборадилар. «Тез ёрдам» машиналарида кеча ва кундуз тиним йўқ.

... Шаҳарнинг энг олис чеккасидан туриб кимдир 03 номер блан телефон қилди ва худди шу вақтда тез ёрдам станцияси регистрациясида бирйўла уч телефон жиринглаб қолди. Бемор оғир аҳволда — унга юрак оғриги азоб бермоқда... Регистратор барча ма'лумотларни тезда қайд этади, навбатчи врач карточкани тўлдиради, диспетчер телефон орқали фавқулодда воқиа юз берганини ма'лум қилади:

— Бригада йўлга отлансин!

Бирнеча минутдан сўнг бригада йўлга чиқади ва санитария машинаси тез медицина ёрдами станцияси дарвозасидан узоқлашади. Одатда биринчи ёрдам касалга уйда кўрсатилади, зарур бўлганда эса, у касалхонага келтирилади.

Беморнинг тез ёрдам томонидан олинган карточкаси справкалар столига тақдим этилди. Бу унинг қариндош-уруғларига ва танишбилишларига мазкур шахснинг қаерга жойлаштирилганлиги, қайфияти ҳақида зарур ма'лумотларни олишда қулайлик туғдиради.

Ҳарбир чақириқнинг характери чуқур ўрганилади. Навбатчи врач эртасига оператив конференцияда машиналарнинг қаерларда бўлганлиги, беморларга қандай ёрдам кўрсатилганлиги, касалликнинг сабаби нимадан иборат эканлиги ҳақида ахборот беради.

Тундаги навбатчилик айниқса ма'сулиятлидир. Чунки тунда барча поликлиникалар берк бўлади. Бу эса «Тез ёрдам» медицина ходимларидан оператив ишлашни, етарли билимга ва юксак маҳоратга эга бўлишни талаб этади. Шунинг учун ҳам «Тез ёрдам» ходимлари ўз малакаларини системали равишда ошириб бормоқдалар, мутахассисларнинг лекцияларини тингламоқдалар, узоқ ҳарбий олимлар тирмоқдалар. Медицина хизмати маданиятига катта э'тибор берилмоқда.

«Тез ёрдам» станциясида дўстона ва уюшқоқ коллектив ишламоқда. Бу коллектив ичида бош врач А. Д. Ножницкий, врачлардан А. П. Воронина, Е. Я. Теренжкина, П. И. Кузнецова, фельдшер К. Ҳамдамов, санитаркалардан У. П. Виноградова ва Е. И. Белякова, шунингдек фельдшер А. Маҳкамов, врачлардан Р. Хазина, Т. И. Осипова каби катта стаж ва кўпйиллик тажрибага эга бўлган ўртоқлар бор. Улар станцияга қиндагина келганликларига қарамай, ўзларининг яхши мутахассис эканликларини тезда намойиш қилдилар. Машина шоферларидан И. П. Долгополов, В. Ф. Темников, А. П. Любомудров, И. Я. Назаров ўртоқлар медицина ходимларининг энг яқин ёрдамчилари эканликларини кўрсатиб, коллектив ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Бу ўртоқларнинг машиналари ҳамавақт озода сақланади, доим сафарга тайёр ҳолда туради.

... Мана яна кимдир шаҳарнинг чеккасидан туриб 03 номери блан телефон қилди ва бирнеча минутдан сўнг «Тез ёрдам» станция дарвозасидан чиқида, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Оппоқ халат кийган кишилар беморга ёрдам кўрсатиш учун жўнаб кетдилар. Йўловчилар кўчаларда «Тез ёрдам» машинасини ҳурмат блан кузатиб қолдилар, постда турган милиционерлар «Кўк кўча» ишорасини бериб, уни тезда ўтказиб юборадилар.

Р. БАБКИНА.

Суратда: секретарь **А. Никитина** (доирада) тез ёрдам станциясининг оператив хонасида чақириқни қабул қилмоқда. Тез ёрдам бригадасининг а'золари (чапдан): **Б. Сейфи, Э. Юсим, У. Собирхўжаева** ўртоқлар беморнинг уйига жўнаш олдидан.

В. Салов фотоси.

Химиклар санаторияси

Чирчиқдаги Сталин номли электрохимия комбинати ҳузуридаги кечки санатория тўрт йилдан бери ишлаб келмоқда. Санаторияда шу ўтган вақт ичида мингдан ортиқ ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходим ишлабчиқаришдан ажралмаган ҳолда дам олди ҳамда даволанди. Булар орасида кекса ишчи Ерошенко, слесарь Дежин, генератор цехи касаба союз ташкилотининг раиси Калмикова ўртоқлар бор. Даволанучи ва дам олучилар учун барча қулайликлар яратиб берилган.

Октябрь 37 йиллигига бағишланган кинофестиваль

Тошкент Округ Офицерлар Уйи Главкинопрокат блан биргаликда 20 октябрьдан бошлаб Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги олдидан «Ленин тузган ва чиниқтирган Коммунистик партия — Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг ташкилотчисидир» деган темада кинофестиваль ўтказабошлади.

«Ленин Октябрьда», «Максимнинг ёшлиги», «Максимнинг қайтиши», «Виборг томони» кинофильмларини жуда кўп тамошабинлар келиб кўрдилар. Ҳарбир кинофильм олдидан кириш нутқи блан лекторларнинг чиқиши бўлди.

Фестиваль 29 октябрьгача давом этади. Бунда яна «Улуғ граждан», «Райком секретари», «Биринчи баҳор» фильмлари кўрсатилади.

Юбилейга бағишланган фотовиставка

Максим Горький номидаги маданият ва истироҳат боғининг ўқиш залида Ўзбекистон республикасининг 30 йиллик юбилейига бағишланган фотовиставка ташкил этилди. Бунда «Ўзбекистонда фан ва маданиятнинг ўсиши», «Ўзбекистон ССРда фан ва техника» шунингдек, республикамизда пахтачилик, чорвачилик ва пиллачиликнинг ривожланиши, ишлабчиқариш илғорларининг тобора кўпайиши ҳамда ўтган 30 йил ичида Ўзбекистонда қўлга киритилган ютуқларни кўрсатучи турли расмлар бор. Фотомонтажлардаги турли расмлар паркка дам олиш учун келган меҳнаткашларнинг диққатини ўзига жалб этмоқда.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент областида ҳаво бироз булутланиб туради, лекин ёғингарчилик бўлмайди. Тошкентда ҳаво бироз ўзгариб турсада, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 20—22 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА 22/X да **Юрак сирлари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **катта цирк тамошалари.** Аттракцион — **«Ўргатилган ҳинд филлари».** Ўргатучи—РСФСРда хизмат кўрсатган артист **А. Корнилов.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» — инглиз бадиий фильми **Бағдод ўғриси.**

НАВОИЙ номли — кеч соат 5 да **Кубань далаларида.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

ПУШКИН номли — **Дайди** (2-нчи серия).

ТЕЛЬМАН номли — кеч соат 7 да **Сепли тўй,** кеч соат 9 да **Бағдод ўғриси.**

«ХИВА» — **Уч ўртоқ.**

Ўзбекистон ССР Бошланғич ва ўрта мактаб ходимлари касаба союзи Марказий комитетининг президиуми ҳамда Бошланғич ва ўрта мактаб ходимлари касаба союзи Тошкент область комитетининг президиуми Тошкент шаҳар, Москва районидаги 76-нчи мактаб директори, хизмат кўрсатган ўқитучи

АКБАР ЭРГАШЕВНИНГ

тўсатдан вафот этганини билдириб, марҳумнинг оиласига та'зия изҳор қиладилар.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими—136, Пропаганда бўлими—157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат—34048, Э'лонлар бўлими—38142

Р. 07950. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1471.